Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 21-yanvar, seshanba № 10-11 (3360)

Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, ҳар биримиз ўз жойимизда астойдил меҳнат қилсак, Ватанимиз равнақи ва тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшсак, мен ишонаман — олдимизда турган вазифалар қандай улкан ва мураккаб бўлмасин, биз ўз кўзлаган эзгу марраларимизга, албатта, эришамиз.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ва тизимли амалга ошириш **натижасида ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий мувозанатлиликни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.**

Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми 16,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибида хизматлар кўрсатиш улуши 53 фоизгача ўсди.

Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноздагидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

2013 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эквивалентда 13,0 миллиард долларни ташкил этиб, 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар ҳажми 3,0 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлди, унинг 72 фоизидан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестиция дастури доирасида ишлаб чиқариш йўналишида умумий қиймати қарийб 2,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этган 150 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди.

Ишлаб чиқариш чиқимларини рационаллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 11,2 фоизга, ялпи ички маҳсулотнинг энергия сарфи кўрсаткичини эса 15,3 фоизга пасайтириш таъминланди.

Жаҳон бозори конъюнктурасининг беқарорлигига қарамай, экспорт ҳажмининг 10,9 фоизга ўсиши таъминланди ва ташқи савдо айланмасининг 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдосига эришилди. Жами экспорт ҳажмининг 72 фоизидан ортиғи хом ашё бўлмаган товарларга тўғри келди.

Республиканинг банк тизими барқарор фаолият кўрсатмоқда, унинг капитал етарлилиги даражаси минимал халқаро стандартлардан 3 баравар ортиқ миқдорда сақланиб қолмоқда, ликвидлиги эса энг юқори талаблардан 2,2 баравар кўпдир. Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга кўпайди, кредит портфели жами суммасининг 80 фоизга яқини ички манбалар ҳиссасига тўғри келади.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашди. Кичик тадбиркорлик соҳасида 26 мингтадан ортиқ янги субъект ташкил этилди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 55,8 фоизгача ўсди.

Аҳоли бандлигини ошириш дастурини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар 2013 йилда қарийб 970 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишини таъминлади, улардан 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келади. Касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса – 16 фоизга ўсди. Аҳоли жами даромадларининг ярмидан ортиғи тадбиркорлик даромадлари улушига тўғри келади.

Қишлоқ жойларда 353 та мавзеда умумий турар жой майдони 1,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган 10 мингта шинам уйлар қурилди, бу ўтган йилдагига нисбатан 17 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш, бизнесни юритиш шарт-шароитлари юзасидан қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳали эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумий қабул қилинган халқаро нормаларга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқариш чиқимларининг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга материаллар ва энергия сарфининг юқорилиги, шунингдек, солиқ имтиёзлари ва преференцияларга ҳаддан ташқари берилиш рақобатбардошлиликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда. 140 тадан ортиқ корхона, жумладан, 67 та йирик корхона ҳанузгача зарар кўриб ишламоқда.

2. Мамлакатни узоқ муддатли ривожлантиришнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидагилар 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятларни сафарбар этиш;

саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, инвестиция жараёнини ошириш ва такомиллаштириш;

мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашнинг, жаҳон бозорларига чиқишнинг асосий омили ҳисобланган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш;

ишбилармонлик муҳитини («бизнес билан шуғулланг» тамойили бўйича) шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш;

ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим жараёнини ва соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш ва такомиллаштириш;

«Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин, тегишли вазирликлар, идоралар, ишлаб чиқариш тузилмалари ва иқтисодий тузилмалар раҳбарларининг айрим иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларини йилнинг ҳар чорагида эшитиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари вазирликлар, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ва йирик корхоналар — буюртмачилар, пудрат қурилиш ташкилотлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2014 йилги Инвестиция дастурида назарда тутилган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари қурилишини тугаллаш ва ишга туширишнинг тармоқ жадвалларини тасдиқласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси Инвестиция дастурининг амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Гуськова), Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов) манфаатдор тузилмаларни жалб этган ҳолда уч ой муддатда ҳар бир норентабел корхона бўйича уларни молиявий инқирозидан ва амалдаги банкротликдан чиқариш дастури — «йўл хариталари»ни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Ҳолатига молиявий соғломлаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар ижобий таъсир кўрсатмайдиган корхоналар «нолга тенг қиймат» бўйича хусусий тадбиркорларга сотилсин.

(Давоми 2-саҳифада).

Коллеждан корхонага

Самарқанд шаҳридаги Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежида 479 нафар ўқувчи 9 та йўналиш бўйича 60 нафар педагог ва касбий таълим усталаридан таълим олмоқда.

Коллежда ўқитувчиларнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шаҳардаги «Самарқанд кимё», «8-март» ОАЖлари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузилиб, ўқувчилар мутахассислиги бўйича уларда ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташмоқда. Уларнинг аксарияти шу корхона-ташкилотларга ишга жойлашмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Қумқўрғон туманининг «Янги шаҳар» маҳалласи ҳудудида «Бахт уйи» бунёд этилаётир. Абулқосим Ниёзов номли хусусий корхона бунёдкорлари томонидан барпо этилаётган мажмуага 1 млрд. сўм сарфлаш режалаштирилган.

Қумқўрғонда «Бахт уйи»

— Замонавий лойиҳа асосида қурилаётган ушбу бино бетакрор кўриниш касб этади, — дейди хусусий корхона раҳбари Алишер Ниёзов. — Унда аризалар қабул қилиш бўлими, маслаҳатхона, тантаналар зали, нотариал идора учун махсус хоналар бўлади. Ҳудуд атрофида боғ ташкил этилади. Ҳозирда 3 та бригада қурувчилари 3 навбатда ишлашяпти. Уларга иш ва дам олиш шароити яратилган. Насиб этса, Наврўз байрамида «Бахт уйи» тантанали равишда фойдаланишга топширилади.

Ўз мухбиримиз

Инсон маънавияти бажарган эзгу амалларида акс этади. Хоразм вилоятида уюштирилган Маънавият хайрия ҳашарида бу ҳақиқат яна бир бор исботини топди.

Маънавият ҳашари

18 январ куни воҳа аҳли, жумладан, талаба-ю ўқитувчилар, шифокору муҳандислар, деҳқону чорвадорлар якдилликда ҳашарга отланишди. Қиш чилласи бўлишига қарамай, ҳавонинг илиқлиги ҳашарчилар учун айни муддао бўлди. Кўп қаватли уйлар, ўқув ва тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар атрофлари супуриб-сидирилди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, чиқиндилар махсус жойларга чиқариб ташланди.

— Ушбу тадбирга Маънавият ҳашари номи берилиши бизни руҳлантирди, — дейди янгибозорлик Гулбаҳор Собирова. — Албатта, озодалик, саранжом-саришталик ҳам инсон маънавияти қирраларидан саналади. Қолаверса, ҳашар халқимизга хос эзгу анъана ҳисобланиб, унинг кўмагида кўплаб мушкуллар осон бўлган, муаммолар ҳал қилинган.

Шу куни барча корхона ва ташкилотларда маънавият тадбирлари ўтказилиб, уларда эзгу амаллар, миллий анъана ва қадриятларимиз, фарзандларимизни ёт ғоялар таъсиридан асраш, ёшларни юртга садоқатли этиб тарбиялаш тўғрисида фикр алмашилди. Бир кунлик иш ҳақи Республика Маънавият тарғибот маркази Хоразм вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди.

М. ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Жиззахда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ташқи бозордан ҳам ўрин эгалламоқда. Биргина «Жиззахпластикс» корхонаси йилига 12 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида тўлиғича четга экспорт қилаяпти. Шундай корхоналар сони бугунга келиб вилоятда 26 тага етди.

Истиқболли лойиҳалар

Вилоятда хориж технологияларига асосланган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Ўтган йили 350 млрд. сўмлик мингдан ортиқ истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 1200 та корхона маромида ишлай бошлади.

Айниқса, аккумулятор ишлаб чиқариш, трикотаж, кимё саноати, қурилиш индустрияси жадал ривожланиб, йиллик ўсиш суръати икки боробарга ортди.

Қурилиш-пудрат ишларида ҳам жадаллик сезилмоқда. Бу борада 721 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Натижада, 550 та намунавий лойиҳадаги турар жойлар барпо этилди, жуда кўплаб ижтимоий объектларда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жиззах махсус индустриал зонасида сармоядорлар билан етмишта янги лойиҳа бўйича ўзаро битимга келишилди. Сервис, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам жадаллик билан ривожланаяпти. Биргина ўтган йили аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо тармоқларининг 800 тадан ортиғи ишга туширилди.

Амалга оширилаётган хайрли саъй-ҳаракатлар 44 мингта янги иш ўрни яратилишига имкон берди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ўсишини таъминламоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Хушхабарнинг қаноти бор

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор натижасида бадиий гимнастика ҳам жадал оммалашмоқда.

Тахминанинг тўрт медали

Бадиий гимнастика жисмоний тарбия, мусиқа ва хореография каби қизлар тарбияси учун муҳим жиҳатларни мужассам этган спорт тури. Гимнастика машқлари қизлар организмининг таянч-ҳаракат тизимини, тананинг ҳамма қисмларини пропорционал ривожланишини таъминлайди. Бадиий гимнастиканинг мусиқа билан ҳамоҳанглиги эса инсоннинг маънавий дунёсини бойитади.

Бугун мамлакатимизда 6-15 ёшгача бўлган 35 минг нафардан зиёд қиз спортнинг ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Ваҳоланки, 2003 йилда бу кўрсаткич атиги 1646 нафарни ташкил этар эди. Бундай жадал ўсиш суръатларини юртдошларимизнинг спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қараши тубдан ўзгаргани, ота-оналар фарзандининг спортга меҳр қўйиши қанчалик улуғ мақсадларга пойдевор бўлишини англаб етаётгани, болалар спорти мамлакатимизда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётганидан далолат беради.

Албатта, бу эзгу ҳаракатлар ёшларимизнинг халқаро майдондаги муваффақиятларида ҳам ўзига хос мустаҳкам асос бўлмоқда. Куни кеча АҚШнинг Майами шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ташкил этилган «Gold Coast International Cup – 2014» анъанавий халқаро турнирида ёш гимнастикачимиз Тахмина Икромованинг маҳорати мухлису мутахассислар томонидан юқори баҳолангани бунинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Дунёнинг ўнга яқин мамлакати вакиллари иштирокида ўтказилган мусобақада ҳамюртимиз кўпкураш баҳсларида олтин медални қўлга киритди. Т.Икромова турнир давомида эркин машқ бажариш бўйича олтин, ҳалқа ва тўп ўйинатишда бир жуфт кумуш медал билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Сифат ва ҳажм уйғунлиги

Зарафшон шаҳридаги «Агама» тўқув-трикотаж фабрикасида 335 нафар ишчи меҳнат қилади. Тикувчилик ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланадиган корхона Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли ишлаб чиқариш ташкилотлари ва ички бозорга харидоргир маҳсулотлар етказиб бераётир.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли иш унумдорлиги йилдан-йилга ортиб бораётир, — дейди фабрика тикувчилик цехи бошлиғи Валентина Комарова. — Жамоамиз аъзоларининг аксариятини замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган ёшлар ташкил этади. 2013 йилда цехимизда 6 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу 2012 йилга нисбатан 1,6 миллиард сўмга кўп демакдир.

— Замонавий жиҳозланган корхонада ишлаётганимдан хурсандман, — дейди Зарафшон тиббиёт коллежи битирувчиси Феруза Абдурашидова. — Айниқса, биз, ёшлар учун қулай шароит ва имкониятлар яратилган.

Айни кунларда фабрикада кенг кўламли модернизация ишлари олиб борилмоқда. Илгари тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш учун ип-калава сотиб олинар эди. Эндиликда ҳамкор инвесторларни жалб қилган ҳолда, ярим тайёр хом ашё — ип-калава шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилиб, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш кўлами янада кенгаяди. Пировардида, маҳсулот таннархи арзонлашиб, аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади.

Нуриддин РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

Ishonch
2014-yil 21-yanvar № 10-11 (3360)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розукулов, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев):

Тошкент трактор заводи, «Агрегат заводи», «Чирчиққишлоқмаш», «Ониксочиқ акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти ҳолатини икки ой муддатда танқидий ўрганиб чиқсинлар ва уларни янада ривожлантириш, рентабеллигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсинлар, бунда жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб этган ҳолда тармоқни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, корхоналар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги холдинг компаниясини ташкил этиш чора-тадбирларини назарда тутсинлар;

жорий йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Ўзэлтехсаноат» уюшмасини акциядорлик компаниясига айлантириш бўйича таклифларни ҳамда 2014-2018 йилларда электротехника саноатини ривожлантириш дастурини киритсинлар, бунда электр-маиший товарларни ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш бўйича уларнинг турлари ва ҳажмларини тубдан кенгайтириш чора-тадбирларини назарда тутсинлар.

7. Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов), Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Йўлдошев), Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзоҳидов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

қонун ҳужжатларида ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хусусий мулк тушунчасини ва унинг нодавлат мулкидан фарқини аниқ ифодалаш, қабул қилинган қонунларга мувофиқ иқтисодиётнинг хусусий сектори устуворлигини, уни қўллаб-қувватлашни ва унинг дахлсизлигини амалда таъминлаш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун турли рухсат бериш тартиботларининг муддатларини янада қисқартириш, уларни соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик;

рухсат бериш ва лицензиялаш тартиботларини расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказишни жадаллаштириш, коммунал хизматларни, шунингдек, солиқ солиш ва божхонада расмийлаштириш хизматларини интерактив тарзда кўрсатиш бўйича таклифлар киритсин.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг бизнесни юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги роли ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат божхона қўмитаси (Дусанов), Давлат статистика қўмитаси (Тўраев) раҳбарлари зиммасига ҳисоботларни тақдим этиш ва ҳужжатлар айланишининг электрон шаклига тўлиқ ўтиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзоҳидов) ушбу ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин ва уларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзоҳидов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурининг 2014 йил учун белгиланган тадбирларини сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсин. Дастурнинг амалга оширилиши йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, уюшмалар, компаниялар ва йирик корхоналар билан биргаликда Иқтисодиётнинг реал секторида ахборот-коммуникация технологияларини ва ахборот тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

жорий йилнинг I чораги мобайнида Тошкент ахборот технологиялари университетида ва унинг минтақавий филиалларида компьютер техникасида ва Интернет тизимида ишлаш, замонавий коммуникация технологияларини эгаллаш бўйича малака ошириш курсларини ташкил этсин.

10. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Юсупов), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзоҳидов) бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига электрон тижоратни кенгайтиришга доир таклифлар киритсинлар ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳririни тайёрласинлар.

11. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамроев), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси Дастурнинг бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин ва унинг амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), Молия вазирлиги (Юсупов), «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси:

жорий йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уйлар қуриш дастури бўйича молиялаштириш шу йил 10 февралгача очилишини ҳамда уй-жойлар қурилиши шу йил 15 мартгача бошланишини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар;

қишлоқ посёлкаларини барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор тузилмаси объектлари — тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат, савдо ва маданият муассасалари билан таъминлашга, уларда яшаш шароитларининг сифат ва шинамлик жиҳатидан шаҳар шароитларидан қолишмайдиган бўлишига алоҳида эътибор қаратсинлар.

Кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижалари йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И.Закиров Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда вилоятларда қурилиш ишларининг бутун комплексини «фойдаланишга тайёр» усули билан амалга оширишга қодир бўлган ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари ташкил этиш, шунингдек, уларни замонавий қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари дастурини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамаси «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги дастурда назарда тутилган лойиҳалар амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида танқидий кўриб чиқсин, уларни амалга оширишни жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш чора-тадбирларини кўрсин.

14. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов) Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Давлат статистика қўмитаси (Тўраев) билан биргаликда, меҳнатга лаёқатли ёшга етган ва меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган ёшларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор берган ҳолда, меҳнат ресурслари, аҳоли бандлиги ва ишга жойлаштиришнинг ҳар йилги прогноз ва ҳисобот балансларини ишлаб чиқишни амалиётга киритсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилиши, 2013/2014 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини фаол меҳнат фаолиятига тўлиқ жалб этиш ишларининг пухта мувофиқлаштирилишини таъминласин, йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг тасдиқланган дастури бажарилишини, шунингдек, тармоқлар ва мамлакат ҳудудлари бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини кўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров) 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилиши юзасидан назоратни ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини таъминласин, айбдор мансабдор шахсларни қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортсин.

17. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ходиев), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Салимов) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор идоралар ва корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктиришга доир манзилли тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Алимов) Молия вазирлиги (Юсупов) билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини зарур даражада тартибга солиш ва такомиллаштириш, шу жумладан, врачлар юкламасининг янги нормативларини тасдиқлаш, республиканинг бир қатор туманларида, тажриба тариқасида, патронаж ҳамшираларининг иши натижадорлигини оширишни рағбатлантириш чораларини кўриш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда амалга оширсин.

19. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Соғлом бола йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни тугаллаган ва киритсин, унда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш, бошланғич таълим сифатини ошириш, ёшларни спорт машғулотларига кенг жалб этиш, болаларни тарбиялашда жамоат ташкилотларининг ролини кенгайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилсин.

20. Мазкур протокол қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 17 январь

Ислоҳот одимлари

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасини мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида кўришимиз мумкин. Замонавий турар жойлар, маъмурий бинолар, кенг ва равон йўллар халқимиз турмушини янада обод қилиб, кўнгилларга ғурур бағишламоқда.

Олис қишлоқда — «Charog'on tekstil»

Бугун бу ҳолатни Сурхон воҳасидаги янги корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шулардан бири Жарқўрғон туманида «Ўзбекэнерго» ДАКга қарашли «Савдоэнерго» АЖ томонидан ишга туширилган «Charog'on tekstil» корхонасидир. Корхона асосан трикотаж буюмлари ишлаб чиқаради. Маҳсулотлар маҳаллий эҳтиёжларни қондирибгина қолмай, хорижга ҳам экспорт қилинади.

— Фабрикамиз замонавий тикув ва тўқув ускуналари билан жиҳозланган. Қолаверса, 270 нафар фуқаро ишли бўлди. Уларнинг 120 нафари бултур касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар. Яна муҳим жиҳати, фабрика ҳудудида қуёш батареялари ўрнатилган. Шу сабабли корхонамизда иссиқлик ва электр энергия таъминотида узилиш бўлмайди. Бу, албатта ишлаб чиқариш жараёнига катта наф келтиради, — дейди корхона директори Муҳаббат Қаюмова.

Сурхондарёнинг олис қишлоғида бунёд этилган мазкур корхонанинг ҳозирча бир навбати ишга туширилди. Бу ерда турли соҳа ходимлари учун махсус иш кийим-кечаклари тайёрланади. Корхона тўла қувват билан ишласа, 3500 нафардан зиёд киши иш билан таъминланиб, йилига 2 миллион донадан кўпроқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

— Қишлоқдошларимиз орзуси амалга ошди. Уйда ўтирган опасингилларимиз ўз чеварлигини кўрсатишаяпти. Корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳамкорлигида ишчилар учун барча шароит яратилган. Ошхона, тиббиёт, дам олиш ва маънавият хоналари мавжуд, — дейди ишчи Г.Ҳасанова.

Илғор тажрибаларни қўллаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Экспортбоп маҳсулотлар

2010 йилда фаолиятини бошлаган Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги «Musavartex» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ўтган қисқа муддатда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топиб улгурди.

— 2013 йилда етти минг тонна калава ип ишлаб чиқардик, — дейди корхона раҳбари Рихситилла Юсупов. — Шундан 415 тоннаси экспорт қилинди.

100 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада амалга оширилган модернизация ишлари натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўттиз фоиз кўпайтириш имконияти туғилди.

Суратларда: ишчилар — Озода Абдуллаева, Орифхўжа Маҳмудов, Мадина Фозилова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Тадбир

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг мажлислар залида вазирликлар ва корхоналарнинг хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раислари иштирокида «Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва Соғлом бола йилида амалга ошириладиган ишлар» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Такомиллаштириш йўлида

Тадбирда Обод турмуш йилида хотин-қизларга, айниқса, қишлоқ аёлларига муносиб шароитларни яратиб бериш, уларнинг меҳнатини енгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани, жорий йилда ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилиши кўзда тутилганлиги таъкидланди.

Жумладан, аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш борасида олиб борилган ишлар натижасида 10 млн. дан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди ва 5 млн. га яқин аёллар соғломлаштирилди.

Ўтган йили тижорат банклари аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун 697 840 млрд. сўм кредитлар ажратди. Корхоналар томонидан 310 мингга яқин ошхона ва уй-рўзғор ашёлари ишлаб чиқарилиб, 130 млн. сўмлик шундай буюмлар эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатилган.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад республикамиздаги мавжуд йирик ташкилотлар, корхоналар ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бошланғич ташкилотларимиз фаолиятини йўлга қўйиш орқали тизимнинг қуйи тузилмалари янада такомиллашиши ва аёллар масаласи билан шуғулланувчи йирик жамоат ташкилоти — Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг амалий самараси кучайишига эришишдан иборат, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Гулжамол Асқарова.

Семинарда тармоқ ва соҳалардаги бошланғич ташкилотларга алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, Соғлом бола йилида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, кўпроқ оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги қайд этилди.

— Хотин-қизлар қўмиталари фаолияти учун энг асосий тиргаклардан бири — бошланғич ташкилотлардир. Ислоҳотларни аҳолига етказиш учун қуйи тизимлар билан бирга бошланғич ташкилотлар бирдек масъулдир, — дейди Олмазор тумани Хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова.

Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, бугунги ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик иштирокини кучайтириш борасида кенг миқёсда иш олиб борилди. Натижада, бугунга келиб 40930 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар рўйхатга олинди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Иқтисодиёт

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги «Қоракўлгардентекс» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Имтиёзли кредит ҳисобидан

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай инвестиция муҳити яратишга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётир.

— Корхонага Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг туман бўлими томонидан ажратилган 190 минг АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит ҳисобидан замонавий тўқув дастгоҳлари келтириб ўрнатилди, — дейди жамият раҳбари Рустам Мўминов. — Модернизация натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Илгари бир кунда 600 кг. табиий ипкалава қайта ишланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич икки ярим баробар кўпайди. Тўқилаётган матолар Тошкент шаҳридаги «Дивайнтекстиль» ва «Артпринтекс» корхоналари, шунингдек, Фарғона, Наманган вилоятларидаги буюртмачиларга ҳам етказиб берилмоқда.

2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ, ўтган йили вилоятда умумий қиймати 32,5 миллион доллар миқдорида модернизация ишлари амалга оширилиши натижасида 1248 янги иш ўрни яратилди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

Jshonch
2014-yil 21-yanvar № 10-11 (3360)

МУНДАРИЖА

№	БЎЛИМЛАР	Бет
I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	
II.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	
III.	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.	
IV.	ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ	
V.	МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ	
VI.	МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ	
VII.	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ	
VIII.	МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ	
IX.	ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР	
X.	МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ	
XI.	АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР	
XII.	ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР	
XIII.	МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ	
XIV.	ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ	
XV.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	
XVI.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК	
	ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ	

Жамоа шартномасининг макети амалдаги жамоа шартномалари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг 2014 йил 8 январгача бўлган ўзгаришларига мувофиқлаштирилган.

Макет матни тавсиявий тусга эга. Айни пайтда, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бевосита кўрсатма берилган меъёрий ҳолатлар қизил шрифт билан келтирилган ва жамоа шартномасига киритилиши шарт. Муайян жамоа шартномасини қабул қилиш жараёнида мазкур макет матнида ишора қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси моддалари мазмунини алоҳида иловада ёритиб бериш тавсия этилади.

48

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган

20__ йил «___»_____
Баён № _____

_____
(корхона, ташкилот, муассаса номланиши)

_____ **йил(лар) учун**

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилар:

Иш берувчи **Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

_____ _____
(Ф.И.О.) (Ф.И.О.)
20___ йил 20___ йил
«____»_____ «____»_____

Жамоа шартномаси қуйидагилар иштирокида имзоланди

Иш берувчи вакиллари

1.
2.
3.

Ходимлар вакиллари

1.
2.
3.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

8.17. Меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчиларга Меҳнат кодексининг 217-моддасига мувофиқ ҳар ойда 400 грамм дан совун, гигиена воситалари билан бепул таъминлаш ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқини берадиган касб ва лавозимлар рўйхатини тузиш ва таъминлаш **29-иловага** мувофиқ амалга оширилади.

8.17.1. Меҳнат шароити ноқулай бўлган ходимларни белгиланган нормалар бўйича газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун) ва газлаштирилган сув билан бепул таъминлайди (маблағлар етарли бўлганда бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар – чой, шарбат ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

8.18. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишини уларни чиқимдор қилмаган ҳолда ташкил қилинишини **31-иловага** мувофиқ таъминлайди.

8.19. Корхона ҳудудини ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақлаш, юриш ва ўтиш жойларининг талаб этиладиган оралиқ ўлчамлари аниқ белгиланган бўлиши ва уларга қатъий амал қилиниши корхона ички транспортидан фойдаланишда уларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

8.20. Мансабдор шахслар ва инженер-техник ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси, технологик интизом қоидалари талабига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирация жиҳозларининг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилинишини таъминлайди. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймайди. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан асбоб-ускуналарнинг тегишли жойлари, иссиқ ёки совуқ сув, буғ ва газ қувурларининг ўз вақтида меъёрий ҳужжатлар талабларида белгиланган рангларга бўялишини таъминлайди.

8.21. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этади.

8.22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида»ги Низомга кўра сайланган Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг ўқишини улар сайлангандан сўнг бир ой ичида касаба уюшмаси

24

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

қўмитаси иштирокида ташкил қилади.

8.23. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилнинг ўз вазифаларини иш вақтида бажариши учун ўртача маошини сақлаб қолган ҳолда ҳафтада икки соатдан кам бўлмаган вақт ажратади.

8.24. Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Касаба уюшмаси қўмитасининг мажбуриятлари

8.25. Касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси таркибини тасдиқлайди, касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ўтказади (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилган ҳолда).

8.26. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари ёрдамида ходимларнинг меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари талабларига қандай амал қилаётганликлари устидан доимий назорат ўрнатади.

8.27. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларига бўлган талабномалар корхонанинг моддий-техника таъминоти хизматлари (бўлимлари)га ўтказилмасидан аввал касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида кўриб чиқади.

8.28. Ходимларга бериладиган махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлилиги, улардан мажбурий фойдаланилишини назорат қилиб боради.

8.29. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиянинг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларида, мансабдор ва (ёки) масъул шахслар томонидан қандай бажарилаётганлигини муттасил текшириб боради, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришади. Фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор ва (ёки) масъул шахсларни жавобгарликка тортиш масаласида иш берувчига ва (ёки) ваколатли назорат идораларига таклифлар киритади.

8.29.1. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 14-моддаси талабларига асосан, ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини тузиш, 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларини тузиш юзасидан таклиф киритади. Ходимлар сони ва транс-

25

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ларини қўллаш, улар билан **Иш берувчи** ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

XV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Тарафлар тенглик асосида мазкур **Шартнома** бажарилишини текшириб борувчи комиссияни тузишни ўз зиммаларига оладилар.

15.2. Тарафлар йилда _____ маротаба мазкур Шартнома бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ва текширув натижаларини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама қилишни ўз зиммаларига оладилар.

15.3. Тарафлар Бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий), ҳудудий-тармоқ келишувларини тан олиб, уларни бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартишлар киритилса, **Иш берувчи** ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** _____ муддат ичида мазкур **Шартномага** тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб боришни ўз зиммаларига оладилар.

15.4. Тарафлар шуни эътироф этадиларки, уларнинг мазкур **Шартномада** акс эттирилган манфаатлари улар томонидан жамоа шартномасининг барча шартлари ва мажбуриятлари сўзсиз бажарилган тақдирдагина рўёбга чиқиши мумкин.

15.5. Касаба уюшмаси қўмитаси жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)дан олдин унинг лойиҳасини экспертиза учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига ёки адвокатлик фирмасига тақдим этади.

15.6. Мазкур **Шартнома** имзолангандан сўнг, тарафлар уни рўйхатдан ўтказиш учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига ёки сақлаш учун нусхасини нотариусга тақдим этадилар.

15.7. Жамоа шартномаси имзолангандан сўнг, томонлар унинг бажарилиши бўйича тадбирлар режаси, масъуллар ва муддатларни белгилаб оладилар.

44

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

и) **Корхонани** бошқаришда ходимларнинг амалдаги қонунларга зид бўлмаган шакллардаги иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

к) **Касаба уюшмаси қўмитаси** вакилларининг **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига киритилишида кўмаклашиш;

л) **Корхонани** ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

м) рационализаторликни ривожлантириш;

н) **Корхонанинг** иш самарадорлиги юксалишига, хомашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.4. Касаба уюшмаси қўмитаси:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига **Касаба уюшмаси қўмитаси** вакиллари сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

в) касаба уюшмалари фаолиятига хос услублар ёрдамида, шу жумладан, ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, **Иш берувчи** билан биргаликда илғорларни рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали **Корхонанинг** барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

г) меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, **Корхонани** бошқариш, жамоа шартномаси мажбуриятларини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ҳамда дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни **Иш берувчига** киритиб бориш;

д) ходимларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

е) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар бажарилишини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

ж) тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташаббуслари билан чиқиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.5. Ходимлар:

а) ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ва оғишмай бажариш, **Иш берувчининг** фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;

5

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

тилган меҳнат режимига, меҳнат интизомига ва дресс-кодга риоя қилишлари шарт.

VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. **Иш берувчи ходим томонидан унга етказилган зарарни зарар** етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

7.2. Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходимлар махсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати **25-иловада** келтирилган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 17 декабрда 565-рақам билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»га биноан кассир (ғазначи) билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши шарт.)

7.3. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмаларнинг рўйхати **26-иловада** келтирилган.

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
Иш берувчининг мажбуриятлари

Иш берувчи:

8.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (шартнома муддатида, ҳар йили) 20___ йилга_____минг (млн.) сўм маблағни:

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари режаси ва сарф-харажатлар сметаси)га _____ минг (млн.) сўм;

махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари учун _____ минг (млн.) сўм;

сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун _____ минг (млн.) сўм;

гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) учун _____ минг (млн.) сўм миқдорида цех (бўлим), участка ва ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиққан ҳолда

20

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ча ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

8.42. Меҳнат кодексининг 9- ва 223-моддаларига кўра меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текшируви ва назоратини касаба уюшмалари ва унинг таркибидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар (хизмат) амалга оширади.

IX. ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

9.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

9.2. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қуйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар:

а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);

б) атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (103-модда);

в) I ва II гуруҳ ногиронлари учун (68, 135, 143, 144, 150, 214, 220-моддалар).

9.3. **Иш берувчи** вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини қуйидаги миқдорларда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

9.3.1. иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ фарзанди бор ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат натижасида радиоактив ифлосланган зонадан эвакуация қилинган ва кўчириб келинган ходимларга (агар уларда қон яратиш органлари (ўткир лейкозлар), қалқонсимон без (аденомалар, рак) касалликлари ҳамда ракни келтириб чиқарувчи ўсимталар мавжуд бўлса), ядровий полигонлар ва бошқа радиация-ядровий объектларда ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек, меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ходимларга – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

29

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этишда кўмаклашиш;

г) корхонада амалиёт ўташга бириктирилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига касаба уюшмаси маблағидан Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

д) ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини имтиёзли диплом билан битириб илк бор ишга жойлашган ходимлар учун ёрдам сифатида касаба уюшмаси маблағидан Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

е) амалиёт ўташ учун бириктирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини ва янги ишга қабул қилинган битирувчиларини меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказишга, махсус кийим-бош, махсус пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлашга эришиш;

ж) ишга қабул қилинган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;

з) корхонанинг ёрдамчи хўжаликларида яратилаётган боғ ва токзорларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишга кўмаклашиш;

и) ишга янги қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш;

к) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

л) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 247¹-моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг, шунингдек, давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

40

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

тириш ва бошқа касбга ўргатиш учун бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Маркази билан шартнома тузиш;

е) ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олган ходимга огоҳлантириш муддати давомида ўзига қулай вақтда бошқа иш қидириши учун ҳафтада ____ кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқини бериш.

3.10. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ходимлар тоифаларига берилади.

3.11. Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмасалар, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қуйидаги ҳолатлар инобатга олинади:

а) ногиронлик;

б) пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);

в) ишлаётган ёлғиз онанинг қарамоғида 14 ёшга тўлмаган болалар мавжудлиги;

г) _____;

д) _____.

IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

4.1. Корхонада иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади:

а) нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун - 40 соатдан ортиқ бўлмаган муддат;

б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун - 36 соат;

в) I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун - 36 соат;

г) ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубиёти асосида - 36 соатдан ортиқ бўлмаган муддат (27-илова);

д) _____;

е) _____.

4.2. Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар ҳамда

9

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

публикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома»га (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва №7/12-сон қарор билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган) асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) йўлкира харажатлари норматив асосида;

б) доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан, уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар;

в) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида суткалик харажатлар;

г) ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар.

5.12.6. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 февралда 16-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июнда 932-рақам билан рўйхатга олинган) «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш Тартиби»га биноан амалга оширилади;

5.12.7. ходимга тегишли транспорт воситасидан иш берувчининг розилиги билан фойдаланилгани учун компенсация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш Тартиби» меъёрлари асосида тўланади;

5.12.8. **Иш берувчининг** розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулк (асбоб-ускуналар, ашёлар ва ҳоказолар)дан (автотранспорт воситасидан ташқари) фойдаланганда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида келтирилган меъёрлар асосида ҳисоблаб чиқилган амортизацияси доирасида харажатлар қопланади **(13-илова);**

5.12.9. **Иш берувчининг** таклифига биноан ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда унинг қуйидаги қўшимча харажатлари тўланади:

а) кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

16

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

9.22. Касаба уюшмаси қўмитаси:

- қишлоқ хўжалиги ишлари бажарилаётганда меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, ижтимоий-маиший шароитлар яратилиши, иссиқ овқат ташкил этилиши устидан жамоатчилик назорати ва мониторингини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.23. Мазкур **Шартнома** мақсадларида:

а) _____ нафар балоғатга етмаган фарзандни тарбияловчи оилалар – кўп болали оилалар деб ҳисобланади;

б) ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан ошмаган оилалар – кам таъминланган оилалар деб ҳисобланади.

X. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА СПОРТ ИШЛАРИ

10.1. **Иш берувчи**

10.1.1. **Касаба уюшмаси қўмитасига** ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни, шунингдек, дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун бериш;

10.1.2. ҳар ойда Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг _____ фоизи миқдоридаги маблағни маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишлари учун **Касаба уюшмаси қўмитаси** ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

10.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.2.1. «Маънавият ва маърифат» жамғармасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси Кенгаши ва Республика Маънавият тарғибот маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлаш;

10.2.2. Давлат дастурларини бажариш доирасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илғорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида, турли мавзуларда мазмун-

33

Ishonch
2014-yil 21-yanvar № 10-11 (3360)

порт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажаришни раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилишини назорат қилади.

8.30. Жамоа шартномаси бўлимлари ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими лойиҳаларига таклифларни тўплайди ва уларни меҳнат жамоалари мажлисларида цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар бўйича муҳокама этилишини ташкил қилади.

8.31. Корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси томонидан меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётган вақтда, цех (бўлим)даги меҳнат муҳофазасининг ҳолати ва меҳнат шароитлари ўрганилаётганда жамоа шартномаси ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими бажарилишини текширади.

8.32. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишининг ходимларни чиқимдор қилмаган ҳолда ташкил этилишини назорат қилади.

8.33. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этади ёки иштирок этиш учун юқори касаба уюшма ташкилотларининг масъул ходимларини таклиф этади.

Иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

8.34. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси (ташкилоти)нинг янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш, меҳнат шароитининг ходим соғлиғига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиш ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқини тан олади.

8.35. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи меҳнат шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрларида меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол равишда бузса, ходимни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходим ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора тадбирлар киритилмагун-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

моий муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш услубиёти асосида ҳар беш йилда камида бир марта иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказади.

8.14. Меҳнат кодексининг 217-моддасига кўра махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари (ДПО) билан бепул таъминланиш ҳуқуқини берадиган ишларда ишловчи ходимларни жамоа шартномасининг **28 ва 30-иловаларида** белгиланган рўйхатга мувофиқ, белгиланган муддатларда махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлайди.

8.14.1.Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партияси иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида, иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олинади.

8.14.2.Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим ва махсус пойабзални янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштириб беради.

8.14.3.Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслигини, ҳимоя воситаларининг сақланиши ва ўз вақтида таъмирланишини таъминлайди.

8.15. Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга Меҳнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш ҳамда 137, 138-моддаларига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш **27- ва 10-иловаларга** мувофиқ амалга оширилади.

8.16. Меҳнат кодексининг 217-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бош санитар врачи томонидан 2003 йилнинг 6 октябрида тасдиқланган «Зарарли меҳнат шароитларидаги ишларда бевосита банд бўлган ходимларга сут ёки шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш тартиби»га кўра ходимларга бепул сут бериш **28-иловага** мувофиқ амалга оширилади.

8.16.1 Сут бериладиган иш жойларидаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш, меҳнат шароитини санитария-гигиена қоида ва нормалари талабларига тўла мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўрилади.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур жамоа шартномаси (кейинги ўринларда «Шартнома») _____ _____да

(корхона, ташкилот, муассаса номланиши)*

иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Қуйидагилар мазкур **Шартнома**нинг тарафлари деб ҳисобланади:

иш берувчи

_____

_____

тимсолида

(бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакил кўрсатилади)

ходимлар

_____

(касаба уюшмаси қўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси)

_____

тимсолида

кўрсатилади)**

1.2. **Шартнома** _____дан кучга киради ва _____гача амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

1.3. Мазкур **Шартнома Иш берувчига** ва **Корхонанинг** барча ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Мазкур **Шартномада** назарда тутилган ҳолларда унинг айрим қоидалари қуйидагиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади:

. ходимнинг оила аъзоларига;

. ёшга доир пенсияга кетиши муносабати билан меҳнат муносабатлари иш берувчи томонидан бекор қилинган шахсларга;

. касаба уюшмаси қўмитасининг штатдаги ходимларига;

. меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли зарар етган собиқ ходимларга;

. меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги ёки меҳнат ва-

* кейинги ўринларда «Корхона» деб номланади.

** кейинги ўринларда «Касаба уюшмаси қўмитаси» деб номланади.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ларининг ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

24. Йил якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисида Низом.

25. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати.

26. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмалар рўйхати.

27. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати.

28. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

29. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган ювиш воситалари (совун) билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

30. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

31. Дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

32. Таътил учун қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.

33. Меҳнат низолари комиссияси тўғрисидаги Низом.

34. Меҳнат низолари комиссиясига унинг фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, ташкилий техника ва бошқа моддий-техник воситалар рўйхати.

35. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Низом.

36. Корхона ходимларига уй-жой олиш учун фоизсиз ссудалар бериш тартиби тўғрисида Низом.

37. Маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш сметаси.

38. Касаба уюшмаси қўмитасига касаба уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, транспорт ва алоқа воситалари рўйхати.

39. Соғломлаштириш жамғармаси ёки корхонада тузилган шунга ўхшаш бошқа жамғарма тўғрисида Низом.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

9.3.2. ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатда турувчи ходимларга уларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган даври (умумий иш стажи)га қараб – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача;

9.3.3. бошқа ҳолларда, ходимнинг умумий иш стажига қараб - иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача.

9.4. **Корхонада** камида _____ йил ишлаган ходимларнинг амалдаги иш ҳақлари ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари ўртасидаги фарқ қўшимча тарзда тўлаб берилади.

9.5. **Иш берувчи** «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига биноан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида қўшимча маблағ ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.6. **Иш берувчи** ходимларни йилида камида бир марта эпидемия хавфи мавжуд бўлган касалликлардан **Корхона** ҳисобидан эмлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.7. **Иш берувчи** ишлаётган пенсионерларга ўтган ой учун пенсияни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 апрелда 2222-рақам билан рўйхатга олинган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан).

9.8. **Иш берувчи** (бюджет ташкилотларидан ташқари) ўз маблағлари мавжуд бўлган тақдирда пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир кунда ўз маблағлари ҳисобидан (тўланган суммаларни кейинчалик бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағидан қоплаш шарти билан) тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 9 сентябрда 2262-рақам билан рўйхатга олинган «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек, харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 23-бандига биноан).

9.9. Ходим сурункасига бир ойдан ортиқ касал бўлганида унга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини **Иш берувчи** ўз зиммасига олади.

9.10. **Иш берувчи** ходимнинг отаси ёки онаси, яқин

ни қўллаш, иш сифатини ошириш, касб маҳоратини юксалтириш ишларидан жамоанинг ва алоҳида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида **Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишган ҳолда бошқа турдаги устамаларни ўрнатиши мумкин (масалан, юқори касб маҳорати учун, кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, меҳнатдаги юқори ютуқлари учун, бажараётган ишининг мураккаблиги учун ёки алоҳида муҳим ишлар учун уларни бажариш вақтига). Устамалар ҳажми ҳар бир ходимнинг бажараётган иш сифатини ошириш учун қўшаётган ҳиссасига қараб белгиланади. Мазкур ходимлар ҳақидаги маълумотлар ошкоралиги таъминланади. Иш сифати сусайган ҳолда барча устамалар бекор қилинади ёки камайтирилади.

5.18. **Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишган ҳолда тегишли Низомга биноан йил якунлари бўйича мукофот тўлайди. **(24-илова).**

5.19. Қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларга ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

5.20. Илмий даражаси ва илмий унвони бўлган ходимлар лавозим маошига ҳар ойда _____ фоиз миқдорида устамалар тўланади.

VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

6.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари, **Корхона** Низоми ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан таъминланишини ва назорат қилинишини тарафлар ўз зиммасига оладилар.

6.2. **Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси:**

6.2.1. ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этишни;

6.2.2. ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда):

пул мукофотлари билан;

ташаккур эълон қилиш билан;

қимматбаҳо совғалар билан;

Корхонанинг санаторий-профилактор ийсига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантиришни ўз зиммасига олади.

6.3. Касаба уюшмаси қўмитаси ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиб боради.

6.4. Ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига, ўрна-

б) ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига кўмаклашиш, ўз ҳамкасбларининг ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибасидан фойдаланиш;

в) ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларида иштирок этиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар.

III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

3.1. **Ходим** ва **Иш берувчи** ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар (шу жумладан, Бош келишув, тармоқ (тариф) келишувлари, ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва мазкур **Шартнома**) қоидаларига биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Бунда меҳнат шартномаси тарафларининг биронтаси бошқа тарафнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ишга қабул қилинган шахслар Касаба уюшмаси қўмитасида таништирув суҳбатидан ўтказилади.

3.2. Ишга қабул қилиш, шунингдек:

а) танлов асосида (Танлов тўғрисидаги Низом **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб тасдиқланади);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун Намунавий меҳнат шартномаси»га мувофиқ касаначи томонидан иш берувчининг буюртмасига биноан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун тузилган меҳнат шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.3. Мутахассислигига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимлар тўла-тўкис иш билан таъминланадилар.

3.4. Меҳнат шартномасини **Иш берувчининг** ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина **Касаба уюшмаси қўмитасининг** олдиндан розилигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

(Меҳнат шартномаси:

Корхона тугатилиши муносабати билан;

Корхона раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

Корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

риш;

з) касаба уюшмаси аъзолари ўртасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

и) турли танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

к) касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch», «Ishonch-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятини олади.

14.8. **Иш берувчи** Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан касаба уюшмаси органларига сайланиб, ишлаб чиқариш фаолиятидан озод этилган шахсларга уларнинг ваколат муддатлари тугаганидан сўнг аввалги ёки шунга тенг иш берилишини таъминлаш учун бундай ходимларнинг бўшаб қолган иш ўринларига янги ходимларни фақатгина муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларига биноан ишга қабул қилиш мажбуриятини олади.

14.9. Асосий ишидан озод этилмаган **Касаба уюшмаси қўмитаси** раисига **Корхона** ҳисобидан ҳар ойда _____ миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

14.10. Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатга олинган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом»нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур **Шартнома** мақсадларида **Меҳнаткашлар вакиллари** деб эътироф этилади:

а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органлари аъзолари;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;

в) меҳнат низолари комиссияси аъзолари;

г) _____;

д) _____.

14.11. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган Меҳнаткашлар вакилларига жамоатчилик ишларини бажариш учун ҳар ҳафтада икки соатдан бўш вақт берилади ва бу давр учун уларга ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

14.12. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **Меҳнаткашлар вакилларига** интизомий жазо чора-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиш;

10.2.3. тасарруфдаги кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини **Корхона** ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни сақлаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқарашни ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш;

10.2.4. ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган қадимий шаҳарларига саёҳатларини уюштириш;

10.2.5. умумхалқ ва касб байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадиий ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш;

10.2.6. бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қуламдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда 2 марта «Маънавият соатлари»ни ўтказиб бориш.

10.3. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.3.1. жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

10.3.2. жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш.

10.3.3. **Корхона** балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини корхона маблағлари ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилаш;

10.3.4. спорт федерациялари билан алоқаларни мустаҳкамлаш;

10.3.5. жисмоний тарбия бўйича қўшимча йўриқчи лавозимини **Корхона** маблағлари ҳисобидан киритиш имкониятини кўриб чиқиш;

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарорига биноан).

5.9. Меҳнат ҳақи, таътил учун ҳақ, ишдан бўшаш ва бошқа ҳолатлар бўйича тўланадиган тўловлар ўрнатилган муддатларга нисбатан **Иш берувчининг** айби билан (шу жумладан, 5.8.1, 5.8.2, 5.8.3-бандлар талабларига риоя этилмаганлиги сабабли) кечиктирилганда **Иш берувчи** ҳар бир кечиктирилган кун учун ходимга _____ фоиз миқдорида (лекин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1/300 қисмидан кам бўлмаган миқдорда) пуллик компенсация тўлайди.

5.10. **Иш берувчи** меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёрлаштиришга оид локал ҳужжатларни, шунингдек, уларни жорий этиш тартибини **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб олади.

5.11. Ходимларни мукофотлаш **Корхонанинг** мукофотлаш тўғрисидаги Низомига асосан амалга оширилади **(12-илова).**

5.12. Корхонада оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг қуйидаги турлари ва миқдорлари ўрнатилади:

5.12.1. тунги вақтдаги иш учун - _____баравар миқдорда,

(камида бир ярим)

кечки сменадаги иш учун _____ баравар миқдорда ҳақ тўланади;

5.12.2. иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун _____ баравар миқдорда ҳақ тўланади;

(камида икки)

5.12.3. кўп сменали режимдаги иш учун _____ фоиз устама тўланади;

5.12.4. бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганида ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. (Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари бажарилиши лозим.)

5.12.5. Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар Ўзбекистон Рес-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақти муддатининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарори билан белгиланади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ходимнинг илтимосига кўра унга тўликсиз иш вақти белгилаб қўйилиши шарт:

а) оила аъзоларидан бирининг бетоблиги;

б) ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши;

в) профилактик даволаниш зарурияти;

г) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар туфайли ходимлар сони қисқаришининг олдини олиш;

д) расмий рўйхатга олинган динларга мансуб ходимлар учун диний маросимларни адо этиш ҳамда рўза тутиш зарурияти;

е) _____;

ж) _____.

4.4. Тўликсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Тўликсиз иш вақти режимидаги меҳнат учун ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

4.5. **Иш берувчининг** ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларга қўшимча равишда, ходимнинг илтимосига биноан **Иш берувчи** томонидан (иш ҳақи тўлиқ миқдорда сақлаб қолинган ҳолда) қисқартирилган иш куни ёки иш ҳафтаси ўрнатилади (ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари учун шартнома бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

4.6. _____ларида

(таркибий бўлинмаларнинг номи)

иш вақти (смена) муддати суткасига ўн икки соат миқдорида белгилаб қўйилади ва иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинади. Бунда иш вақтининг _____ балансига риоя этилади.

(ойлик, чораклик, ярим йиллик ёки йиллик)

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 220-моддасининг бешинчи қисми ва 228, 245-моддаларига) риоя қилган ҳолда жорий этилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланилади-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

публикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш;

12.4.8. ёш ходимлар ва ёш оилалар учун банклар томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларни олишда кафиллик қилиш;

12.4.9. ишга келган ёш мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида бир марталик тўлов бериш;

12.4.10. Қуйидаги ҳолларда фоизсиз ссудалар бериш:

а) ёш оила аъзолари бўлган ходимларга – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол молларини харид қилиш ва уй-жой қурилиши учун;

б) сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилган ходимларга — пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритиш учун.

12.5. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда қуйидагилар кафолатланади:

12.5.1. ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар иш кунининг бошланиш ва тамом бўлиш вақтининг ходимга мақбул тарзда ўрнатилиши;

12.5.2. иш ҳафтасини яна _____ фоизга қисқартириш;

12.5.3. йилда _____ иш кунидан иборат қўшимча меҳнат таътили бериш;

12.5.4. йилда 14 календар кунидан кам бўлмаган иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш.

12.6. **Иш берувчи** ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга йилда бир марта лаборатория-имтиҳон сессиялари, шунингдек, диплом ишларини ҳимоя қилиш (битирув имтиҳонларини топшириш) даврида, ўқув муассасасига бориб келиш учун йўлкира харажатининг _____ фоизи миқдорида йўлкира пули

(камида 50)

тўлайди.

12.7. **Касаба уюшмаси қўмитаси** мажбуриятлари:

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада мукаммаллаштириш учун мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатганларни мунтазам равишда тақдирлаш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига

ликлари учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

8. Ходимларга Корхонада (тармоқда)ги иш стажи учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

9. Йиллик қўшимча таътил бериладиган раҳбар ва мутахассис кадрлар лавозимлари рўйхати.

10. Ходимларга оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.

12. Мукофотлаш тўғрисидаги Низом.

13. Ходимга тегишли мол-мулкдан (автотранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланганлик учун харажатларни қоплаш меъёрлари.

14. Ходимларга кўчиб юриш билан боғлиқ ишлар учун устамалар тўланадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

15. Доимий иши қатнаб бажариладиган характерга эга бўлган, шунингдек, бириктирилган участкалар доирасида хизмат қатновларида ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

16. Корхона (тармоқ)даги кўп йиллик меҳнати учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом.

17. Вахта услубидаги иш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

18. Ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

19. Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари ўрнатиладиган ходимлар касблари рўйхати.

20. Ишдаги иқлим шароитлари учун ёз ва қиш фаслларида қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

21. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

22. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки этилмасдан) жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

23. Корхонада амалиёт ўтовчи олий ўқув юртлари талаба-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

зифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига шикаст етиши сабабли вафот этган ходим қарамоғида бўлган ва зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга;

. касаба уюшмаси аъзоларига (касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан бериладиган қўшимча имтиёзлар қисмида).

1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган «Касаначилик тўғрисида Низом»га биноан мазкур **Шартноманинг** иш ҳафтаси муддатига (4.1-банди), тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (5.12.1-кичик банди), иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (5.12.2-кичик банди) оид меъёрий қоидалари касаначиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

1.5. **Шартномага** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро розилиги билан Меҳнат кодексида уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.6. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мазмунига қилинган ишораларнинг барчасида уларнинг мазкур Шартномани тузиш чоғидаги таҳрири назарда тутилган.

1.7. **Иш берувчи** барча ходимларни, шу жумладан, ишга янги қабул қилинган ходимларни жамоа шартномаси, шунингдек **Корхонанинг Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб қабул қилинган бошқа локал ҳужжатлари билан таништириш, жамоа шартномаси мазмунига ва бажарилиши шартларига оид маълумотлар ошкоралигини (мажлислар, конференциялар, масъул ходимлар ҳисоботлари, ахборот стендлари, тармоқ нашрлари ва ҳоказолар орқали) таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2.1. Тарафлар меҳнат вазифаларининг ҳалол ва сифатли бажарилиши ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этадилар.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги **«Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги** 5-сонли Қарори талаблари амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва иш-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

8.6.1. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 14-моддаси талабларига асосан, ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини тузиш, 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларини тузиш чораларини кўради. Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажаришни раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилишини таъминлайди.

8.7. Ўтган йилдаги ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликлари ҳолати йилнинг биринчи февралигача таҳлил қилиб чиқилади, меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирларининг бажарилишига якун ясалади.

8.8. Келгуси йил жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини тайёрлаш жараёнида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилади ва 1 февралгача меҳнат шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади.

Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификациясини биринчи мартгача тузиб чиқиш ва уларни етказиб бериш тегишли бўлинмага, уларни маблағ билан таъминлаш молия бўлимига топширилади.

8.9. Хавфсизлик техникаси хоналари учун оргтехника воситалари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув ва кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомларни сотиб олади.

8.10. Корхонани куз (қиш) мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни 25 август (1 октябр)гача бажаради.

8.11. Санитария-маиший биноларининг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (таъмирланиши, реконструкция қилиниши ёки янги қурилиши лозим бўлган бино ёки хоналар, бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилади).

8.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари» талабларига мувофиқ ҳолда ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилади.

8.13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ча у тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда:

8.36. Корхонанинг ташкилий тузилмалари кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияларнинг миқдорий таркибини аниқлайди, уларнинг сайлови, ўқувини (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказади ва тегишли гувоҳномалар беради.

8.37. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакилларни ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиянинг энг яхши аъзоларини тақдирлайди (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турларини кўрсатган ҳолда уларнинг ишларига якун ясайди). Голибларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил «27» январдаги 1 – 9-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови тўғрисида Низом»да белгиланган тартибда юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этиши мумкин.

8.38. «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 273-рақам билан рўйхатга олинган) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Низомга биноан корхона ва унинг ташкилий тузилмаларида меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубини жорий этади ва олиб борилишини таъминлайди.

8.39. Ҳар ___ нафар ходимга (ишлаб чиқаришдаги шароитларга, бўлинма ва участкаларда жамоатчилик назоратини олиб бориш эҳтиёжига қараб) бир нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил сайлаб қўйилишини таъминлайди.

8.40. Йил давомида меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларни иш берувчининг маблағлари ҳисобидан белгиланган энг кам иш ҳақининг _____ баробари миқдорида пул мукофоти билан моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатади.

Цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ходимлар номзоди меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тақдирлашга тавсия этилади.

8.41. Ходимларга меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалини-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га биноан **Корхона** ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

14.6. **Иш берувчи:**

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан аввал **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан олдиндан келишиб олиш;

б) **Касаба уюшмаси қўмитаси** талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) **Касаба уюшмаси қўмитасининг** уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа ва Интернетга уланиш воситалари, канцелярия моллари билан белул таъминлаш мажбуриятини олади.

14.7. **Касаба уюшмаси қўмитаси:**

а) **Корхона** ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

д) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида тарафлар этилишига эришиш ҳамда иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга келтириш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

е) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида ходимларни аризаларига кўра тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

ж) корхонадаги меҳнат ва маиший шароитлар аҳволи бўйича жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга оши-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган Меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинган тақдирда **Касаба уюшмаси қўмитасининг** розилигини олиш талаб этилмайди).

3.5. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш **Корхонада** мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак. Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш бажарилаётган ишга мувофиқ амалга оширилади.

Қуйидагилар ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб ҳисобланади:

3.5.1. бетоб оила аъзосини парваришлаш зарурияти;

3.5.2. ишини таълим билан қўшиб олиб борилиши;

3.5.3. молиявий қийинчиликлар;

3.5.4. аввалги иш жойида ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи омиллар вужудга келиши;

3.5.5. _____;

3.5.6. _____.

3.6. Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш ҳолати юзага келиши муносабати билан **Иш берувчининг** ташаббусига кўра ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий-техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра, ишнинг вақтинча тўхтатилиши бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб қуйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳисобланиши мумкин:

3.6.1. бошқа ходимнинг ишда вақтинчалик ҳозир бўлмаган даврида (ўқув сессиясига, меҳнат таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);

3.6.2. табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

3.6.3. _____;

3.6.4. _____.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш зарурияти келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти ёки бекор туриб қолинишининг бутун даври

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ча тўловлар;

5.12.17. иш жараёнида зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланганлиги учун ҳужжатхона фаррошларининг лавозим маошларига 10 фоиз миқдорида компенсация тўланади.

(5.12.10, 5.12.11, 5.12.12, 5.12.13, 5.12.14, 5.12.15, 5.12.16-бандларда назарда тутилган устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда оширувчи коэффициентлар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхатлари мазкур **Шартноманинг 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20-иловаларида** келтирилган.)

5.13. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун **21- иловада** келтирилган камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади.

5.14. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки озод этилмасдан) жалб этилган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш **22-иловага** биноан амалга оширилади.

5.15. **Корхонада** амалиёт ўтувчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнати учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сонли Қарори билан тасдиқланган «Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг корхона, ташкилот, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш тартиби тўғрисидаги Низом»га ва 23-иловага биноан амалга оширилади.

5.16. Иш берувчининг кўрсатмасига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади.

Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб қўшимча дам олиш вақти берилади.

Ходим иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажараётганда **Корхона** бўйича тариф ставкалари ва лавозим маошлари миқдори оширилса, у ҳолда ходимга меҳнат ҳақи ана шу даврдаги барча иш кунлари учун янги тариф бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиб тўланади.

5.17. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив шаклларини

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

қариндоши вафот этганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатади ёки шу сумма доирасида дафн маросими хизматларини кўрсатувчи фирма билан тузилган шартнома учун пул ўтказиб беради.

9.11. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда Корхона маблағлари ҳисобидан унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

9.12. **Иш берувчи** ходимнинг иш вақтида овқатланиш сарф-харажатларини у ишлаган ҳар бир тўлиқ ой учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида қўшимча ҳақ тўланади ёки шу сумма доирасида овқатланиш ташкилотларига тавсия этиши мумкин.

9.13. **Иш берувчи** шаҳар йўловчи транспортида (таксидан ташқари) юриш ҳуқуқини берувчи ойлик чипта нархи (ёки 100 та қатнов қиймати) миқдорида ходимнинг йўлкира харажатларини ҳар ойда қоплаб боради.

9.14. Ҳар йили куз мавсумида Иш берувчи корхонанинг рўйхатдаги ходимларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварига тенг келадиган пул-лик компенсация тўланишини таъминлайди.

9.15. Навбатдаги меҳнат таътилига кетаётган ходимга **Иш берувчи** томонидан профилактик даволаниш учун қўшимча ҳақ тўланади **(32-илова).**

9.16. **Корхона** (тармоқ)да ____ ва ундан кўп йил ишлаган ходим ёшга доир (ёки ногиронлик сабабли) пенсияга кетаётганда унга лавозим маоши (ўртача иш ҳақи)нинг _____ баравари миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

9.17. **Иш берувчи** кўп болали, кам таъминланган оилалар аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳисобланадиган собиқ ходимларга, **Корхонада** меҳнат қилган марҳум ходимларнинг балоғатга етмаган фарзандларига йил давомида қўшиб ҳисоблаганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиб боришни ўз зиммасига олади.

9.18. **Иш берувчи:**

9.18.1. _____ нафар ходим (шу жумладан камида _____ нафар кам таъминланган ходим) учун иш берувчининг ва ижтимоий суғурта бюджети маблағидан олинган йўлланмалар қийматини қисман қоплайди;

9.18.2. Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларида _____ нафар ходимнинг, шу жумладан, камида _____ нафар ногирон, ёлғиз қария, уруш ва меҳнат

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

б) олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва олган мутахассислиги бўйича илк бор мазкур **Корхонага** ишга кирган ходимлар таълим муассасасини битиргандан сўнг 3 йил давомида ёш мутахассислар деб ҳисобланадилар;

в) расмийлаштирилган никоҳда илк бор турган ва ҳар бири 30 ёшга тўлмаган эр-хотинлар ёш оилалар деб ҳисобланадилар.

12.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 251, 252, 253, 254, 255, 256, 257-моддалар);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

12.4. **Иш берувчи мажбуриятлари:**

12.4.1. ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирувчиларига меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш, уларни **Корхонанинг** санаторий-профилакторийсида соғломлаштириш;

12.4.2. ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни **Корхонага** жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

12.4.3. ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш;

12.4.4. олий ўқув юртлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг амалиёт ўташ учун келган талаба ҳамда ўқувчиларига Корхона ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

12.4.5. ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини шогирдликка олган устоз ходимларни рағбатлантириш;

12.4.6. **Корхона** учун керакли бўлган кадрларни тайёрлаб бориш мақсадида олий ўқув юртлари талабалари контракт пулининг бир қисмини тўлаб бериш;

12.4.7. олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тугатиб, корхонада биринчи йил (икки, уч йилгача) меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга Ўзбекистон Рес-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати 4-иловада келтирилган.

4.7. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли қўлланилганда иш вақти жамлаб ҳисобга олиниши режимида банд бўлган ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори тенглаштирилиши кафолатланади (ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича тўғрилаб қўйиш шарти билан). Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг нормал миқдоридан кўп ишлаганлик учун иш вақтидан ташқари ишлар учун ўрнатилган баҳоларга биноан ҳақ тўланади ёки ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш куни берилади.

4.8. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда меҳнат қилувчилар учун Иш берувчи томонидан корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан махсус танаффуслардан фойдаланиш имконияти берилади. Бунинг учун иш бажариладиган жойда махсус иситиладиган хона ажратилади. Ушбу танаффуслар ҳақ тўланадиган иш вақтига киритилади. Бундай махсус танаффуслар бериладиган касблар, лавозимлар ва ишлар рўйхати 5-иловада келтирилган.

4.9. Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб этиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

4.10. Иш кеч (соат 22.00 дан кейин) тамом бўлган ҳолларда **Иш берувчи** ходимларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш мажбуриятини олади ва навбатчи транспорт воситаси билан таъминлайди.

4.11. Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш алоҳида ҳоллардагина ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, **Иш берувчининг Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб қабул қилган ёзма фармойишига биноан амалга оширилиши мумкин.

Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга қуйидаги асослар бўйича йўл қўйилади:

а) табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

б) умумхалқ хайрия ҳашарларида иштирок этиш учун;

в) _____.

4.12. Йиллик асосий таътил (қонун ҳужжатларига биноан асосий узайтирилган таътиллар ўрнатилган ходимлардан ташқари) барча ходимлар учун _____ иш (камида 15)

кунидан иборат этиб белгиланади.

4.13. Қуйидаги ҳолларда қўшимча йиллик меҳнат таъ-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

чи томонидан **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб тасдиқланадиган ____ разрядли тариф сеткаси) бўйича тўланади **(11-илова).**

5.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида Қарор қабул қилинса, Корхонанинг тариф сеткаси ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим.

5.4. Корхонада энг паст лавозимдаги ходимларнинг тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффициенти - камида 2,476) бўйича тарификация қилиниши таъминланади.

5.5. Корхона бўйича ўртача иш ҳақи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорга етказилади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмайди.

5.6. Иш ҳақини тўлаш муддатлари:

. ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг _____ санасида;

. ойнинг иккинчи ярми учун - _____ кейинги ойнинг _____ санасида.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

5.7. Ходимнинг розилиги билан иш ҳақининг бир қисми унинг пластик карточкасига ўтказиб берилади, бундай ўтказма миқдори тўланадиган сумманинг_____ фоизидан ошмайди.

5.8. Ходимга ҳақ тўлаш мазкур **Шартноманинг** 5.6-бандида белгиланган муддатларга нисбатан кечиктирилганда қуйидаги чоралар кўрилади:

5.8.1. хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан содир бўлганда, Иш берувчи (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли Қарори асосида тузилган банк ва мижоз ўртасидаги хизмат кўрсатиш шартномасига биноан) банк раҳбариятига жарима ундириш тўғрисида талабнома киритишни ва ундирилган жаримани меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

5.8.2. кечиктирилиш муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги сабабли содир бўлганда, **Иш берувчи** дебитор қарзларни жарималар, пенялар билан бирга ундиришни ва ундирилган маблағни меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

5.8.3. кечиктирилиш депозит рақамида маблағнинг йўқлиги сабабли содир бўлганда, **Иш берувчи** тижорат банкидан кредит олиб, меҳнат ҳақини тўлашни ўз зиммасига олади

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

XI. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

11.1. Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида” 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

11.2. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);

б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228[1], 234, 237-моддалари);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари);

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалари);

11.3. Иш берувчининг мажбуриятлари:

11.3.1. иш ўрни қисқартирилаётган аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш;

11.3.2. аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

11.3.3. иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиб олинаётган аёлларга вақтинчалик иш ўринлари яратиб

Ishonch
2014-yil 21-yanvar № 10-11 (3360)

ши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар учун корхона моддий жиҳатдан жавобгар эканлигини томонлар қайд этади.

Томонлар шунга келишдики, корхона жабрланувчига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунларга мувофиқ иш берувчи жабрланувчига ёки зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга қуйидагиларни:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари"да тўланиши кўзда тутилган миқдорига нисбатан ____ % кўп миқдорда бир марталик нафақа тўлайди;

зарар кўрган ходимга ёки зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланиши керак бўлган ойлик тўлов ҳақига қўшимча равишда____%дан_____%гача қўшимча ҳақ тўлайди. Кўрилган зарар миқдори, касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлигини ҳисобга олган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари кўзланган ишни амалга ошираётганда ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисини йўқотган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлган ходимнинг ўртача 6 (7, 8, ...,) йиллик даромади миқдорида бир марталик нафақа (бу олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас) тўлайди, шунингдек дафн этиш харажатларини қоплашни ўз зиммасига олади;

ходим ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда (Ўз. Р. ВМнинг 2002 йил 28 февралда тасдиқланган «Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 71-сонли Қарорига Ўз.Р.ВМнинг 2002 й. 31.05. даги 188-сонли Қарори билан ўзгартиришлар киритилган) ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида ҳақ тўлайди;

тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ёки Тиббий маслаҳат ҳайъати (ТМҲ) хулосасига мувофиқ жабрланувчи илгариги ишини бажаришга қодир бўлмаса, иш берувчи жабрланувчининг розилиги билан уни бошқа янги касбга ўқитиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

ўқиш давомида жабрланувчига аввалги иш жойидаги ўрта-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати давомида энг кам иш ҳақи миқдорининг ошириб борилишига мутаносиб равишда ошириб борилади.

8.2. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим календар йил учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2012 йил 3 сентябрдаги 56-66/8-25"о"/01р-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар"га биноан тузилади ва жамоа шартномасига илова қилинади (1-илова).

8.3. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли Қарори билан тасдиқланган «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом»га биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этади ҳамда уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

8.4. **Иш берувчи** ҳар бир иш жойига мослаб иш шароити бўйича меъёрий талабларни ишлаб чиқиш **мажбуриятини ўз зиммасига олади**. Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда, меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак.

Ходимларнинг меҳнат шароити, шунингдек, меҳнат жараёни ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талабларнинг ортиши (ўзгариши) муносабати билан, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида, белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартиришлар киритиб борилади.

8.5. Ҳар бир ходим унинг иш жойидаги меҳнат шароитларига қўйиладиган меъёрий талаблардан, шунингдек, бу шароитларнинг ҳақиқий аҳволи, хусусан, ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартиблари, имтиёзлар ва компенсация тўловлари, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисида муттасил хабардор қилиб борилади.

8.6. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати зиммасига юклатилади.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

лаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан технологик жараёнларни ва моддий хом ашё ресурслари сарфи, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатлари нормаларини рационализациялаштириш;

меҳнат унумдорлигини ўстириш, бошқарув ва саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш, шунингдек, бошқа омиллар ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш чоратадбирларини кўриш хусусида келишиб олдилар.

2.3. Шу мақсадда **Иш берувчи:**

а) Корхона муваффақиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, тариф ставкалари ва ишбай баҳоларнинг амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

б) ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

в) меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

г) ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, **Корхонанинг** молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш;

д) **Корхонанинг** ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларида ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

(Касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака оширишнинг шакллари ҳамда бундай ўқувларни ташкил этиш шартлари, тартиби, зарур касблар ва мутахассисликлар рўйхати тегишли **Низомда** белгилаб қўйилади **(2-илова);**

е) касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун **3-иловага** мувофиқ барча шарт-шароитларни яратиш;

ж) жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, **Корхонанинг** таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда мазкур жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни Касаба уюшмаси қўмитасига тақдим этиб бориш;

з) белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат низоларини музокара йўли билан ҳал этиш;

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

15.8. Жамоа шартномаси имзоланган кунидан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда **Корхонанинг** кўп тиражли газетасида чоп этилади, брошюра кўринишида _____ нусхада чиқарилади. Ходимлар жамоа шартномаси матни ва иловалари билан **Корхонанинг** ходимлар бўлимида, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва юридик бўлимларида ҳамда **Касаба уюшмаси қўмитасида** танишишлари мумкин.

15.9. **Шартноманинг** амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва мазкур **Шартноманинг** ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

15.10. Жамоа шартномасининг иловалари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

XVI. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

16.1. Тарафлардан бирининг мазкур **Шартномада** белгиланган шартлар бажарилмаганлиги ёки **Шартнома** тўлиқ бажарилмаганлиги ҳақида берган тақдимномалари бошқа тараф томонидан икки ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

16.2. Жамоа шартномаси мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур **Шартномада** белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий РЎЙХАТИ

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битим.
2. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларни бошқа касбга ўргатиш, малакасини ошириш, иккинчи касбга ўргатиш ишлари тўғрисида Низом.
3. Корхонада касаначилик меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида Низом.
4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
5. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус танаффуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
6. Ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
7. Ходимларга алоҳида тусдаги ишларда, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаган-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

фахрийлари, кам таъминланган оилалар аъзоларининг дам олишларини ва соғломлаштиришларини **Корхона** ҳисобидан ташкил этади.

9.19. Ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида тарафлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

9.19.1. ҳар йили ўқув йили бошланиши арафасида умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ҳар бир болага Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи ҳисобидан келиб чиққан ҳолда дарсликлар ва ўқув қуроллари харид қилиш;

9.19.2. ҳар йили ходимлар фарзандларига янги йил совғаларининг Корхона ҳисобидан топширилишини ташкил этиш;

9.19.3. ходимлар фарзандларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш;

9.19.4. ходимларга болалар соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмалари нархини, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор ходимларга эса дам олиш уйлари, санаторийлар, профилакторий йўлланмалари нархини **Корхона** ҳисобидан тўлаб бериш;

9.19.5. **Корхонага** қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчи болаларни, шунингдек, санаторий-профилакторийда дам олувчиларни овқатлантириш учун касаба уюшмалари ижтимоий суғурта бюджети маблағларидан ажратиладиган меъёрга нисбатан _____ фоиз миқдорида **Корхона** ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш;

9.19.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 сонли "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан белгилаб қўйилган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида ходимлар фарзандларини чет тилларига ўқитиш учун моддий кўмак бериш.

9.20. Тарафлар ётоқхоналар ва идоравий турар жойларни сақлаб туришга, уларда яшаш учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилашга, яшовчилар орасида маданий-оммавий, маънавият-маърифат ишларини олиб боришга иш берувчи ҳисобидан маблағ ҳамда зарур ашёлар ажратиш мажбуриятини оладилар.

9.21. Тарафлар ходимларни **Корхонанинг** ёрдамчи хўжалигида етиштирилган гўшт-сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш (ёки ёрдамчи хўжаликни барпо этиш имкониятини кўриб чиқиш) мажбуриятини оладилар.

б) янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

в) ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

5.12.10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ишлаб чиқариш зарурияти кўра (доимий яшаш манзилига кунлик қайтишнинг имконияти бўлмаган ҳолатларда) ходимнинг кўчиб юриши ёки доимий иш жойидан узоқда бўлиши билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида **кўчиб юриб бажариладиган характердаги ишлар** учун устамалар;

5.12.11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ходимнинг корхонадан анча узоқда жойлашган объектларда бажариладиган ва ишдан ташқари вақтларда корхона манзили (ёки йиғилиб кетиш жойи)дан объектдаги иш жойигача бориб келиш қатновлари билан боғлиқ ишлардаги қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар;

5.12.12. корхона (тармоқ)да кўп йиллик меҳнати учун иш стажига биноан ходимнинг ойлик тариф ставкаси (лавозим маоши)га тўланадиган устамалар;

5.12.13. вахта услубидаги иш учун устамалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 ноябрда 551-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Узоқ масофада жойлашган ва ўта муҳим объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг вахтали услуби ҳақидаги Низом»га биноан);

5.12.14. ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар (иш жойларини шаҳодатлаш натижаларига кўра);

5.12.15. ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 8 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорларда);

5.12.16. ишдаги иқлим шароитлари учун ёз (июн, июл, август) ва қиш (декабр, январ, феврал) фаслларида қўшим-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

билан белгиланади. Барча ҳолларни жамлаб ҳисобланда **Иш берувчининг** ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги лозим (Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29-Конвенцияси).

Ходим **Иш берувчининг** ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

3.7. **Иш берувчи** ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида _____ олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки (камида икки ой) ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиш, ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. **Иш берувчи,** шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг қасби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Корхона ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида ____ фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

3.8. **Иш берувчи** қисқартирилаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш ишларини ташкил этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.9. Ходимлар сони қисқартирилаётганда қисқартириш оқибатларини юмшатишга қаратилган қуйидаги чоралар назарда тутилади:

а) ишдан бўшатилган ходимларни иш билан таъминлаш учун кичик бизнес субъектларини таъсис этиш;

б) ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни тақиқлаш, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларнинг малакасини ўзгар-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

XIII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

13.1. Келишувчи томонлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, жамоа шартномасининг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

13.2. Якка тартибдаги меҳнат низолари ва зиддиятлар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан бўлган _____ нафар аъзодан тенглик асосида ташкил топган (ҳар тарафдан _____ нафардан) ва мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатига тузиладиган Меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

13.3. Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва 33-иловада келтирилган Низомга биноан олиб боради.

13.4. Меҳнат низолари комиссиясини ташкилий-техникавий таъминлаш ишлари 34-иловага асосан амалга оширилади.

13.5. Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

XIV. ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

14.1. **Иш берувчи** ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** ўзаро муносабатларида ижтимоий шериклик, ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

14.2. **Иш берувчи** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига биноан касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилади, унинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашади;

14.3. **Иш берувчи Корхонада** ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида **Касаба уюшмаси қўмитасини** тан олади.

14.4. Томонлар касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари **Корхона** бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

14.5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-рақам билан рўхатга олинган «Ҳўжалик

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

бериш (корхонада юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини ташкил этиш);

11.3.4. корхонада меҳнати вақтинчалик фойдаланилмайдиган аёллар учун касаначиликни ташкил этиш;

11.3.5. ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги сабабли малакали аёл кадрлар билан таъминланган ишлаб чиқариш бўлинмаларини қисқартириш ўрнига тўлиқсиз иш вақти режимига ўтказиш;

11.3.6. **Корхона** (тизим бирлиги) реконструкциядан сўнг ишга тушганда унда ишга жойлаштириш учун қайта ўқитилган ва илгари мазкур корхонада меҳнат қилган аёлларга афзалликлар бериш;

11.3.7. тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга _____ цехлардан енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган _____ иш ўринларини ажратиш;

11.3.8. тиббий кўрикдан ўтишлари учун ҳомиладор аёлларни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса);

11.3.9. ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини қонунда белгиланганига нисбатан _____ ой (календар кунлар)га узайтириш;

11.3.10. қарамоғидаги 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парваришлаш таътилида бўлган аёлларга ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварида моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

11.3.11. тўрт ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандлари бор аёлларга _____ соатгача қисқартирилган иш куни белгиланиб, йил давомида жами Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварида моддий ёрдам ажратиш;

11.3.12. уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш куни белгилаш;

11.3.13. саккиз (10-12) ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг илтимосига кўра, ойда _____ кундан иборат иш ҳақи сақланмайдиган ёки қисман тўланадиган дам олиш куни бериш;

11.3.14. нормативда кўзда тутилганидан ташқари ____ та цехда (бўлинмада) аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш, соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини жорий этиш;

11.3.15. **Корхона** маблағлари ҳисобидан ҳомиладор аёлларни тиббиёт муассасалари (сиҳатгоҳлар)да ёки **Корхонага** тегишли санаторий-профилакторийда бепул даволаш.

11.4. Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус

б) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонига биноан тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакилларига;

г) ишлаётган пенсионерларга;

д) _____;

е) _____;

ж) _____.

4.17. Таътил учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

4.18. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.19. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар (1941-1945 йилларда уруш қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбияловётган аёллар)дан ташқари яна қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунгача таътил берилади:

а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга;

б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;

в) ишлаётган пенсионерларга;

г) _____;

д) _____;

е) _____;

ж) _____.

4.20. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

5.1. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шакллари қўлланилиб, бунда вақтбай — мукофотли (ёки оддий вақтбай) ҳамда бевосита ишбай (ёки ишбай — мукофотли, ишбай-прогрессив, билвосита ишбай, аккорд) меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларидан фойдаланилади.

5.2. Меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткаси (ёки **Иш берув-**

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

тиллари берилади:

а) меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш услубиёти асосида) _____ кундан _____ кунгача **(6-илова);**

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарорига биноан меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун 12 кундан _____ кунгача **(7-илова);**

в) **Корхона** (тармоқ)даги иш стажи учун _____ кундан _____ кунгача 8-иловага мувофиқ;

г) раҳбар ва мутахассис кадрларга **9-иловада** келтирилган лавозимлар рўйхатига биноан;

д) оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун _____ кундан _____ кунгача **(10-илова);**

е) _____;

ж) _____.

4.14. Иш берувчи қуйидаги ҳолларда ходимнинг иш ҳақи сақланиб қолинадиган таътил бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

а) яқин қариндоши вафот этганда – 3 кун;

б) ходим ёки унинг фарзандининг тўй маросимини ўтказишга – 3 кун;

в) _____;

г) _____.

Ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди ҳамда унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси унинг яқин қариндошлар деб ҳисобланадилар.

4.15. Йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини олиш **ҳуқуқини берувчи иш** стажига қўшимча равишда муддати икки ҳафтадан _____ ҳафтагача бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган таътиллар ҳам киритилади.

4.16. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли Қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади. Ходимнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (смена) бошига ёки охирига ўтиши мумкин (Халқаро меҳнат ташкилотининг 103-конвенциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 236-моддасига асосан).

11.5. Болалик аёлларнинг бола _____ ёшга тўлгунига қадар уни парваришлаш таътилида бўлган вақти меҳнат стажига қўшилади ва кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини беради.

11.6. **Касаба уюшмаси қўмитаси** аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиги муҳофазаси бўйича **Корхонанинг** ижтимоий дастури бажарилишида **Иш берувчига** яқиндан ёрдам беради.

XII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

12.1. **Корхона** ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро меҳнат ташкилотининг "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги 138-сонли ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш;

ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашини тузиш;

ёш ходимлар ва мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

12.2. Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур **Шартнома** мақсадларида:

а) 30 ёшгача бўлган ходимлар ёшлар деб ҳисобланадилар;

Савол: Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари оширилибди. Шу тўғрида маълумот берсангиз.

Н. ХОЛБОЕВА,
Ёзёвон тумани

Ўқитувчиларнинг маоши ошди

Жавоб: Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил декабрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, қайта тайёрлов ва малака ошириш муассасалари, ўқув курслари, шунингдек, умумтаълим мактаблари педагог ходимларининг ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 5 фоизга оширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади. Конкурс ва танловлар жюри аъзолари, конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланиладиган бўлди. Таълим муассасаларида соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини ўтказиш учун шахсларни жалб қилиш, фақат муайян муассаса штатидаги ўқитувчилар таркиби томонидан ўтказилмайдиган ўқув машғулотлари ва фанлари учун кўзда тутилади. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган. Унинг таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

Мусоҳаба

Одам савдосининг олдини олиш учун чет элга кетаётганлар нималарга аҳамият қаратиши зарур. Жамоатчи мухбиримиз Қўшкўпир туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Аҳмаджон Бобожонов билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Туманда иш ўринлари яратилиши ҳолати ҳақида қисқача ахборот берсангиз...

— Мамлакатимизда йилдан-йилга янги корхоналар очилиб, ишлаб чиқариш суръати ўсаётир. Тадбиркорлик шохобчалари ташкил қилинмоқда. Шунинг эвазига аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш даражаси ортяпти.

Ҳар йили минглаб ёшлар иш билан таъминланаётгани, меҳнат ярмаркаларида қанчадан-қанча иш ўринлари таклиф қилинаётгани эътиборга молик. Хусусан, туманда ўтган йилнинг тўққиз ойида 4 минг 777 та янги иш ўрни яратилганини мисол тариқасида келтириб ўтиш лозим. Шунингдек, туман, вилоят марказида қурилишлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқдаки, уларнинг бари ишчи-қурувчиларни тақозо этади.

— Шунча имкониятлар бўлатуриб, хорижга иш излаб кетаётганлар кишини ажаблантиради...

— Афсуски, яқиндаги нақддан узоқдаги насияни афзал кўрувчилар ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, барча бир хилда меҳнат шартномаси, тайинли иш жойига эга эмас. Хорижда қийинчиликларга дуч келаётганлар қанчадан-қанча... Ишга кетаётганларнинг кўпчилиги қаерга боришини билмайди. Бировларнинг алдовига учиб, ўзларича мўмай даромад ахтариб, яшаш жойларидаги фуқаролар йиғинларига хабар қилмасдан, телефон, манзилини айтмасдан кетаётганларнинг ҳоли эртага нима кечишини ҳеч ким билмайди. Уларни одам савдосидан жабр кўрмайди, оғир ҳолатга тушиб қолмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Инсон манфаати – устувор

— Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида марказ томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— «Мониторинг маркази»миз алоҳида хонага жойлашган бўлиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Унда меҳнат миграцияси бўйича тумандаги барча маълумотлар йиғилади. «Ишонч телефони» орқали меҳнат мигрантларининг мурожаатлари рўйхатга олинади. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мигрантларга керакли маълумотлар киритилган эслатмалар тайёрланиб, ҳудудларга тарқатилмоқда. Эслатмаларда, жумладан, огоҳликка даъват, диний экстремистик ҳаракатларга кириб қолишнинг хавфлари, мигрантларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ишлаб топган маблағларини ўз мамлакатига юбориш йўллари, чет элларда ишлаш ва яшаш учун рўйхатдан ўтиш тартиби, юқумли касалликлардан сақланиш ҳақида маълумотлар киритилган.

— Мигрантлар мониторинг гуруҳига ўзи ҳақида қандай маълумотларни тақдим қилиши хусусида ҳам тўхталсангиз..

— Хорижга кетаётганлар исм-шарифи, фамилияси, туғилган йили, яшаш манзили, қаерга кетаётганлиги, чет элдаги яшаш манзили, шуғулланадиган фаолият тури, алоқа телефони ҳақида анкетага аниқ ёзиб, тақдим қилишлари керак. Мабодо, яшаш манзили, телефони ўзгарганда мониторинг гуруҳини хабардор қилиши шарт.

— Хорижга йўл олганларга нима деган бўлардингиз?

— Аввало, ишлайман деганга ўзимизда иш, имконият борлигини таъкидламоқчиман. Шунга қарамасдан, чет элга отланаётганларга огоҳ ва ҳушёр бўлинг, албатта, ҳар бир ҳудудда ташкил қилинган мониторинг гуруҳидан рўйхатдан ўтинг ва тўғри маълумот қолдиринг, деб айтишни истардим. Ушбу эслатма хорижга чиққанингизда сизга, албатта, асқотади. Чунки, тўғри маълумот сизни ҳимоя қилишга имкон яратади. Асло қулликка тушманг, ҳуқуқингизни билинг, азиз одамлар!

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

Қилмиш-қидирмиш



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан 2013 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган айрим турдаги истеъмол товарлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга дори-дармон воситалари киритилган.

Дардга дармон бўлармикан?!

Афсуски, мазкур тартибларга буйсунмасдан дори-дармон воситаларини ноқонуний йўллар билан республикамизга олиб киришга уринишлар учраб турибди. Республикамиз божхоначилари ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар вакиллари ҳамкорлик дори-дармон воситалари ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Жумладан, Тошкент вилояти божхона бошқармаси «С.Нажимов» божхона пости ходимлари томонидан юртимизга кириб келаётган қўшни давлат фуқароси Г.Шокаримованинг қинғир қилмишларига нуқта қўйилди. Унинг қўл юклари ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, қиймати салкам 12,5 млн. сўмлик 31 минг донадан ортиқ «Канефрон Н» таблеткаларини божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилмасдан олиб ўтишга урингани фош бўлди.

Шу турдаги яна бир йирик қонунбузарлик Тошкент шаҳар божхоначилари томонидан бартараф этилди. «Келес» темир йўл божхона постида «Москва-Тошкент» йўналиши бўйича кириб келган йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида, фуқаро Р.Асқаров томонидан 31 турдаги дори воситаларининг қонунга хилоф равишда юртимизга олиб кирилишининг олди олинди. Божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида қайд қилинмаган мазкур дори воситаларининг умумий қиймати салкам 38 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2013 йил мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 273 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 9,6 млрд. сўмлик дори-дармон воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июлда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимиз божхона чегарасидан олиб ўтилиши, муомалага киритилиши тақиқланган ва чегараланган психотроп ҳамда наркотик воситалар рўйхати тасдиқланган. Шунингдек, ушбу қарор билан психотроп ва наркотик воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва муомалага киритиш тартиби белгилаб қўйилган.

«Оғу»ли жўнатмалар

Яъни, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш, транзит тарзида ўтказишга фақатгина Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган сертификат ва рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистонлик божхоначилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда «Москва-Душанбе» поезди йўловчиларидан бири, бухоролик Н.Асадованинг юклари божхона кўригидан ўтказилганда, унинг 29 та «Феназепам» психотроп таблеткаларини яширин равишда олиб киришга уринганлиги аниқланди.

Маълумки, Халқаро почта Конвенциясининг 15-моддасига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган. Шунга қарамай, сўнгги пайтда таркибида наркотик ва психотроп моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини шу йўл билан жўнатиш ҳолатлари учраяпти.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Бошпочтамт» божхона пости ходимлари томонидан бу каби божхона қоидабузарликларининг олди олинмоқда. Жумладан, Исроилдан сирдарёлик Ф.Сулаймонов ва пойтахтлик Л.Гуревичлар номига юборилган почта жўнатмалари амалдаги тартибларга мувофиқ божхона кўригидан ўтказилганда, уларда 154 дона «Клонидин» ва «Оксазепам» психотроп таблеткалари юборилгани фош қилинди.

2013 йил мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 127 та қонунбузарлик ҳолатларида 8,8 минг донадан ортиқ психотроп таблеткаларнинг ноқонуний олиб ўтилиши барҳам топди.

Республикамизда тамаки маҳсулотларига акциз маркаларини қўллаш шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилиши ёхуд мамлакатимиз ҳудудига олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

«Келгинди» тамаки

Шунга қарамай, тамаки маҳсулотларини ноқонуний йўллар билан олиб киришга уринишлар учраб турибди. Республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилаётган тезкор тадбирлар натижасида бу каби қонунбузарликларга чек қўйилмоқда.

Жумладан, «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан Москвадан учиб келган хориж фуқароси Л.Саргисяннинг қўл юклари орасида 260 қути турли хил сигаретлар борлиги аниқланди.

Шунингдек, «Шарджа-Тошкент» рейси бўйича парвозини якунлаган пойтахтлик А.Исламов ҳам «кашанда» чиқиб қолди. Қаранг-ки, у қиймати 3,5 млн. сўмдан ортиқ бўлган 800 қути «Parlament» сигаретларборлиги аниқланди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан ҳам бир нечта қонунбузарлик ҳолатларида тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига барҳам берилди.

«Москва-Тошкент» йўналишидаги йўловчи поезди вагонларидан бири божхона назоратидан ўтказилганда, фуқаро Р.Маликовнинг ноқонуний равишда олиб киришга уринган 63 млн. сўмлик 14 турдаги товар-моддий бойликлари орасида 1330 қути тамаки маҳсулотлари ҳам борлиги аниқланди. «Парламент» номли мазкур сигаретларнинг умумий қиймати салкам 11 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Ўтган йили республикамиз божхоначиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлари натижасида аниқланган 318 та қонунбузарлик ҳолатларида салкам 511 млн. сўмлик 209 минг қути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Реклама ўрнида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда ёшларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун катта имконият ва имтиёзлар белгилаб берилди.

Ёш тадбиркорлар – иқтисодиётимиз таянчи!

Хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларда бу яққол ўз ифодасини топмоқда.

Банк меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир. Натижада, жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қиляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқишига кўмаклашмоқда.

Жумладан, банк томонидан 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 1,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич уч баробарга ошиб, 5,7 млрд. сўмни ташкил этгани эътиборга моликдир.

— Тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида паррандачиликни йўлга қўйиш ва бунинг учун товуқ ва қафаслар сотиб олиш бўйича бизнес лойиҳа ишлаб чиқдим, — дейди банк хизматларидан фойдаланган касб-ҳунар коллежи битирувчиси, Андижон вилоятидан Меҳринисо Маъруфова. — Ўз лойиҳамни молиялаштириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Андижон минтақавий филиалига кредит маблағлари ажратилишини сўраб мурожаат қилдим. Ушбу банкнинг кўмаги натижасида лойиҳам учун 28,0 млн. сўм кредит ажратилди ва ушбу кредит ҳисобига 1000 та товуқ ҳамда товуқ катаклари сотиб олдим. Бизнес лойиҳамни амалга ошириш натижасида вилоят аҳолисига йилига 300 000 дона тухум етказиб беришни режалаштирганман. Фаолиятимни ривожлантириш асноси оила аъзоларимни ҳам иш билан таъминлаб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдим, деб айта оламан.



— Корхонамизнинг оилавий тадбиркорлик асосида фаолият юритишини олдимга мақсад қилиб олдим. Дастлаб тадбиркорлик фаолиятини кўникмалар олишдан бошладим ва корхонамизда кўзгу ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришни ўргандим. Бунда яқинларимнинг, яъни оила-аъзоларимнинг кўмаги алоҳида аҳамият касб этди, — дейди Фарғона вилоятидан Зикирё Кўчқоров. — Бу йўлда дастлаб «Фарғона Кўзгу» ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилдим. Меҳнат фаолиятимни бошлаганимга кўп бўлмаган бўлса-да, бир қанча муваффақиятларга эришдим. Жумладан, оилавий корхонамиз «Фарғона Кўзгу» ишлаб чиқариш фирмасини бошқариб келяпман. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, фирмамиз фаолиятини янада кенгайтириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида мебел ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш фикри туғилди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун фирмамизга хизмат кўрсатувчи «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Фарғона минтақавий филиалига кредит ажратишни сўраб мурожаат қилдим. Банк томонидан қисқа вақт ичида лойиҳамни молиялаштириш учун кредит ажратиб берилиши муваффақиятимни таъминлади.

Хусусан, корхонамизга 2013 йилда минтақавий филиал томонидан 3 йил муддатга, 140,0 миллион сўм миқдорида имтиёзли фоизда кредит ажратиб берилди. Ажратилган кредит маблағлари ҳисобига мебел ишлаб чиқариш учун вилоятимизга ҳали мавжуд бўлмаган энг замонавий ускуналар сотиб олдим. Ишлаб чиқариш цехим Фарғона шаҳрида жойлашгани боис ҳудуд аҳолисига бежирим сифатли мебел маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш билан бирга, мебел ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз хомашёларини корхонамизнинг замонавий ускуналарида сифатли қайта ишлаш хизматларини ҳам йўлга қўйдим. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз анча харидоргир. Чунки, улар айнан мижозларимиз талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан бир ойда ўртача 90-95 млн. сўмлик меҳмонхона ва ошхоналар учун мебеллар тўплами, ҳар хил жавонлар, тумба каби маҳсулотлар тайёрланяпти.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 8 та янги иш ўрни яратилди. Республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш ва вилоятимиз аҳолисини иш билан таъминлашга озгина ҳиссам қўшилаётган бўлса, ўзимни бахтиёр деб биламан. «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Фарғона минтақавий филиалининг хизматларидан мамнунман ва ушбу банк билан ҳамкорлигимни янада мустаҳкамлаш ниятидаман.

— Мен Хоразм вилояти Хонқа туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, — дейди 1993 йилда туғилган ёш тадбиркор Эгамберди Раҳмонов. — 2012 йилда Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини битириб, қишлоқ ҳудудида аҳоли ҳамда ташкилотларнинг транспорт воситаларини таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда автомобилларни ювиш шохобчаси очишни ўз олдимга мақсад қилиб олдим.

Тадбиркор сифатида фаолиятимни ташкил этганимга кўп бўлмаган бўлса-да, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг энг яхши бизнес лойиҳаси» бўйича танлов ғолиби бўлиб, имтиёзли кредит олиш учун махсус сертификатга эга бўлдим.

Шу асосда менга 2013 йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Хоразм минтақавий филиали «имтиёзли кредитлаш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 2 йил муддатга, 28,0 млн. сўм кредит ажратиб берди. Ажратилган кредит маблағлари ҳисобига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, автомобилларни ювиш шохобчаси учун эҳтиёт қисмлар ҳамда ускуналар сотиб олдим ва тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Ҳозирда 3 нафар тенгдошимни иш билан таъминлаб, фаолиятимни янада кенгайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга берилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда изланишлар олиб боряпман.

Келгусида ҳам касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга ажратиладиган кредитлар ҳажмини тобора ошириб бориш «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

Эрталаб. Трамвайда йўловчилар тирбанд. Олд эшикдан чиққаним заҳоти димоғимга тамаки иси урилди. Сигарет чекиб, телефонда гаплашиб кетаётган ҳайдовчига кўзим тушди.

Ҳайдовчига ҳакам ким?

— Кечирасиз, бу ишингизни қандай тушуниш мумкин? Ахир йўловчилар орасида ёш болалар бор. Сиз жамоат транспорти ҳайдовчисисиз, шуни унутмасангиз бўларди, — дея эътироз билдирди унга бир отахон.

Ёши улуғ одамнинг гапи таъсир қилдими, ҳайдовчи сигарет қолдиғини трамвай ойнасидан улоқтирди-да:

— Ота, ахир биз машинадан тушиб, одамларни куттириб, графикни бузиб, чекиб ўтиролмаймиз, нима қилишим керак? — дея жавоб берди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 122-моддасида: «Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида, шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиган автобусларда чекиш, шунингдек, таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида чекиш — энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади», дейилган. Шунингдек, 123-моддада: «Поездларнинг вагонлари, автомобил ва шаҳар электр транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади», дея белгиланган.

Ҳайдовчи белгилаб қўйилган ҳар иккала ҳолатни ҳам бузди. Лекин нега унга ҳеч ким чора кўрмади? Йўловчилар салонда чекса ёки деразадан чиқинди улоқтирса, албатта, жавобгарликка тортилади. Ахир ким бўлишидан қатъи назар, қонун ҳаммага баробар эмасми?.. Ҳайдовчига ҳакам йўқми?!

Шохрух САИДОВ,
ЎзДЖТУ халқаро
журналистика
факултети талабаси

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги самарасига бугун ҳар қадамда гувоҳ бўлаяпмиз. Ушбу муҳим жараён аниқ мақсадларни кўзлаб, изчил давом эттирилмоқда.

Ҳар жиҳатдан қулай

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган 12 йиллик узлуксиз таълим тизими ёшларнинг бир нечта фанлар доирасида умумий билимга эга бўлибгина қолмай, иккиуч турдаги касбларни мукаммал эгаллаши учун кенг шарт-шароит яратмоқда.

Эътироф этиш жоизки, таълим соҳасидаги бундай жадал ва барқарор ривожланишга республика тижорат банкларининг молиявий қўллаб-қувватлашисиз эришиб бўлмайди. Ушбу тижорат банклари орасида республика «Ипотека-банк», хусусан, унинг Шайхонтоҳур тумани филиали фаолиятини алоҳида тилга олиш мумкин. Филиал раҳбарлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис, тадбиркор аёллар, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаларини биринчи навбатда қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларига ҳам кредитлар ажратиб, уларнинг тезда оёққа туриб олишига эътибор қаратмоқда.

Жумладан, банк филиали 2013 йилда коллеж битирувчиларининг илк тадбиркорлик лойиҳалари ижроси учун 230 миллион сўм кредит ажратди. Ўзим ҳам Тошкент банк коллежини 2012 йилда битирганман. Банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси орқали йиллик 6 фоизли 55 миллион сўм кредит олиб, тадбиркорлик лойиҳамни амалга оширдим. Ҳозирда «Star MAX DIAMOND» масъулияти чекланган жамиятимиз фаолиятини барқарор йўлга қўйиб олган. Бундан буён ҳам «Ипотека-банк»нинг туман филиали билан яқин ҳамкорликда ишлашни мақсад қилганмиз.

Умида ЭРМАТОВА,
«Star MAX DIAMOND»
МЧЖ директори

Ishonch
2014-yil 21-yanvar № 10-11 (3360)

Эътироф

Пойтахтимиз истиқлол шарофати билан ўзгача қиёфа касб этди. Бунда машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Президентимизнииг таклиф ва ғоялари асосида ҳайкалтарош яратган асарлар бугун ватанимиздаги энг сўлим гўшалар, хиёбонлар, галерия ва музейларни безаб турибди. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги «Мустақиллик ва Эзгулик монументи» ҳамда Амир Темур хиёбонидаги Соҳибқирон, Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкаллари замонавий монументал санъатимизнинг ноёб намунаси сифатида барчамизга ғурур бағишлайди.

Эзгуликдан ҳайкал барпо этсанг дунё тургунча тургай

Машҳур шаҳарларнинг дунёга танитиб турадиган ўзига хос ва бетакрор меъморий обидалари бўлади. Миср эҳромлари, Париждаги Эйфел минораси, Москванинг Кремли, Бухоронинг Минораи Калони, Самарқандниг Шоҳи Зиндаси... Эзгуликдан барпо этилган бу иншоотлар умри боқийдир.

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ва ундаги «Мустақиллик ва Эзгулик монументи» ҳамда «Эзгулик арка»си мажмуасини ҳам шулар қаторига киритсак, асло хато бўлмайди.

— Санъат — инсоният яратган энг буюк мўъжиза. Шу боис у инсонга маънавий куч бағишлаши билан бирга руҳий-психологик шуурнинг шаклланишига ёрдам беради, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори Илҳом Жабборов. — Маънавиятимиз ривожини эса санъат дурдоналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳайкалтарошлик ҳам одамларга маънавий, руҳий куч берадиган ана шундай дурдона санъат тури ҳисобланади. Истиқлол биз ҳайкалтарошлар учун тафаккур, ўзлик аталмиш майдон яратди. Ижодкор меҳнатининг қадрланиши, ҳақиқий истеъдодларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ғамхўрликлар ҳар бир санъаткор қалбида ишонч чироғини ёқди. Мустабид тузум даврида миллий руҳ билан яратилган асарлар йўли баланд ғовлар билан тўсилган эди. Истиқлолнинг қудратли тўлқинлари бу ғовларни улоқтириб ташлади.

Машҳур ҳайкалтарош таъкидлаганидек, санъат — миллат маънавияти кўзгуси. Шу боис санъатни жамият ҳаётидан айро тасаввур этиб бўлмайди. Истиқлол туфайли мамлакатимизда катта сиёсий ва иқтисодий жараёнлар рўй берди, санъатнинг барча турлари қатори монументал санъатда ҳам янгича муносабат шаклланди, тарихий шаҳарларнинг даврга хос меъморий тараққиёт йўллари белгиланди. Маҳобатли ҳайкалтарошлик кенг кўламда майдонга чиқди. Миллий қадриятлар тимсоли сифатида улуғ аждодларимиз ҳайкаллари бунёд этилди. Табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган буюк зотлар хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо қилинди.

— Ҳайкаллар — монументал ёдгорликлар тимсоли, — дейди рассом. — Тўғри, ҳайкалтарошлик санъати юртимизда қадимдан мавжуд. Қолаверса, бизнинг тасвирий санъатимизда юлдуз мисол порлаб турган Беҳзоддек даҳо санъаткорларимиз бор. У яратган маҳорат мактабининг давомчиларимиз десам янглишмайман. Ўтган йиллар давомида ҳайкалтарошларимиз томонидан асрларга татигулик ишлар қилинди. Кўплаб маҳобатли, сербезак асарлар яратилди.

Айниқса, Тошкент шаҳрида бунёд этилган ҳайкалларни ҳар куни минглаб юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар кўради, улардан завқланиш баробарида, бизнинг кимлигимиз, қандай улуғ зотларнинг авлоди эканимиз ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди.

Ҳар бир халқнинг муборак қадамжолари бўлади. Мустақиллик майдони биз учун шундай табаррук маскан. Истиқлолнинг иккинчи йилида Мустақиллик майдонида мамлакатимиз рамзи бўлган шарсимон мустақиллик тимсоли монументи барпо этилди. Бу ер юзида мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлганидан дарак берарди. Орадан уч йил ўтиб «Бахтиёр она» сиймоси акс этган ҳайкал ўрнатилди. «Мустақиллик» монументи ва «Бахтиёр она» ҳайкали мазмун-моҳиятига кўра мустақиллик ва эзгуликни ўзида мужассамлаштирган. Майдонга кираверишда қад ростлаган «Эзгулик аркаси» ҳам Президентимиз ғоялари асосида яратилган. Лайлакларнинг заминга қанот тегизиб, қуёшга интилишида размий маъно бор. Лайлаклар — яхшилик, хайр-барака, тинчлик ва осойишталик рамзи. Нурни эслатгувчи оппоқ йўл мамлакатимизнинг юксалиб боришига ишора. Булар халқимизнинг ойдин йўли, эзгу орзулари тимсолидир. Улар «Эзгулик аркаси» билан бирга оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак орқали яхлит бир ансамблни ташкил этади.

Фарзандини бағрига босиб эркалаётган онадан гўзалроқ ким бор дунёда? Муаззам Ер шари теграсида дилбандини бағрига босиб турган онанинг жигаргўшасига меҳр билан боқишида, уни эркалашида ўзгача бир руҳий ҳолат мавжуд. Бахтиёр она ҳайкалидаги Она — Ўзбекистон, унинг қучоғидаги бола бахтиёр ҳаётнинг рамзий ифодаси. Ер шари, ундаги мамлакатимиз ҳаритаси юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва улар билан ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосидаги муносабати акс этган.

Кечагидек ёдимда: мустабид тузум даврида халқимиз маданияти ва қадриятларига ёт бўлган ҳайкаллар барпо этилиб, байрамларда уларнинг гулларга қўйиш анъанага айланган эди. Ҳозир ундай эмас.

— Барча ижодкорлар қатори мен ҳам меҳрибон ва мунис она образини абадиятга кўчиришни орзу қилардим, — дейди И. Жабборов.— Мотамсаро она сиймосини яратаётганда ўзбек аёлларининг мунис қиёфаси хаёлимга келаверарди. Улар жуда кўп, бирбиридан меҳнаткаш ва фидойи, элим, юртим, болам, деб бир умр меҳнат қилсаларда бирор марта бу миннатни тилга олмаган меҳр маъбудаларидир.

Дунёдаги барча оналар тили, дини, келиб чиқиши турлича бўлса-да, фарзандига меҳри, фидойилиги билан бир-бирига жуда ўхшайди. Айниқса, фарзандини урушга жўнатган, сал фурсат ўтмай ундан қора хат олган ёки бедарак кетган ўғлини кутиб яшаб ўтган оналар, уларнинг дарду дунёси, ўй-хаёллари бир хил. Фарзандларини урушга жўнатган оналарнинг ҳаётга қарашлари ҳамиша эзгуликка йўғрилган эди. Мотамсаро она қиёфасида меҳнаткаш, фарзанди деб тиниб-тинчимаган, дунёга тинчлик сўраб яшаган оналар образини акс эттирганман.

Даврга ҳамоҳанг санъат асарини яратиш ва келажак синовидан ўта оладиган обидалар бунёд этиш осон иш эмаслигини барчамиз биламиз. Бунинг учун кенг тафаккур, истеъдод ва энг муҳими, ижодкорни қўллаб-қувватлайдиган замин бўлиши керак.

Амир Темурдек буюк саркарда сиймосини яратишдек улуғ иш ҳам ҳайкалтарош Илҳом Жабборовга насиб этди.

— Бундан қанчалик фахрланган бўлсам, шунчалик катта масъулият елкамда турганини тўла ҳис қилгандим, — дейди ҳайкалтарош. — Чунки дунёдаги бирорта санъат асари ўз-ўзидан яратилмаган. Унинг ижодкори, ана шу ижодкорни қўллаб-қувватлаб турган саховатли ҳомийлари бўлади. Бунга тарихдан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Беҳзоднинг улуғ мусаввир даражасида кўтарилишида давлат арбоби ва улуғ шоир Алишер Навоий ҳамда унинг дўсти Ҳусайн Бойқаронинг қўллаб-қувватлаши ва ҳомийлиги асосий мезон бўлган. Ёки Микеланжело ва Леонардо да Винчиларнинг руҳий оламининг ижодий жонланишида Рим давлати арбоблари, ўша даврнинг маънавияти етук кишиларининг моддий ва маънавий кўмаклашиши замин яратган. Ана шундай ҳамкорлик бўлмаганида Беҳзод буюк мусаввир даражасига кўтарилмаган, Италия жаҳон маданий марказига айланмаган бўларди. Шу маънода айтадиган бўлсам, Амир Темур ҳайкали ҳам Президентимизнинг доно маслаҳатлари, ташаббуси, ҳаётий ғоялари ва раҳнамолиги мевасидир.

Ҳайкални яратиш тафсилотлари ҳақида кўп гапирган бўлсам-да, бир гапни ҳамиша такрорлагим келади. Асарнинг дастлабки вариантида Амир Темурни қўлида найза тутган ҳолда тасвирлаган эдим. Президентимиз бунга эътироз билдириб, «Қўлида найза эмас, отнинг жиловини тутгани маъқул» деди ва бунинг рамзий маъносини изоҳлади: «...салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлда маҳкам тутиб туришни англатади». Ана шундай ўнлаб мантиқий фикр ва ғоялари билан Юртбошимиз ҳайкал ҳар томонлама мукаммал қиёфа касб этишига катта ёрдам берди. Шу боис бундай эзгу ишнинг меъмори сифатида Президентимиз номини тилга олгим келади.

Азим Тошкентимизда қад ростлаган муҳташам иморатларга ҳар гал боққанимда, Жалолиддин Румийнинг «Эзгуликдан қўрқон барпо этинг, дунё тургунча тургай!» деган сўзлари хаёлимдан ўтаверади.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Олам ва одам

Хабарларга кўра, январ бошидан бери АҚШда ҳукм сурган мисли кўрилмаган совуқ об-ҳаво Ниагара шаршарасининг кейинги юз йилда илк бор музлаб қолишига олиб келди. Шу кунлари шаршарани томоша қилгани ташриф буюрган саёҳатчилар сув оқими то пастга тушгунга қадар муз парчаларига айланиб қолаётганлигига гувоҳ бўлишди. Ниагара дарёси эса қирқ даражали совуқ оқибатида кичкина жилғага айланиб қолди. Илгари шаршара 1848 ва 1912 йилларда тўла музлаганди.

Америкадаги аёзли ҳаво

АҚШнинг марказий ва шарқий ҳудудларида ҳукм сурган қаттиқ совуқ етказган зарар миқдори тахминан 5 млрд. доллар деб баҳоланмоқда. Экспертлар ноқулай об-ҳаво иқтисодиёт ўсишининг пасайишига олиб келмайди, деб ҳисоблашмоқда. Келтирилган зиён эса ҳарорат кўтарилгандан сўнг қопланади, деган фикрдалар. Дарвоқе, 2010 йилда бир ҳафта мобайнида ҳукм сурган худди шундай совуқ ҳозиргидан кўпроқ, яъни 25-30 миллиард долларлик зарар етказган эди.

Шу йил январ ойи бошларида мамлакатнинг қатор ҳудудларида сурункасига бир неча кун мобайнида одатдагидан 14-19 даража юқори аёзли ҳаво қайд этилди. Оқибатда, 21 киши нобуд бўлди. Ўта совуқ ҳаво минглаб мактабларда машғулотлар тўхташига, кўплаб авиарейслар қолдирилишига олиб келди.

Сайёрамиз навбатдаги музлик даврига кириб бормоқда. Япон олимлари, жумладан, таниқли океаншунос Мототака Накамура шундай баёнот билан чиқди.

Музлик даври бошланадими?

Ҳаво шунчалик совиб кетиши мумкинки, муз қопламаси тропик ўлкаларгача етиб бориши мумкин. Бундай ҳолат тарихда қайд этилган. Воқеаларнинг шундай ривожланиши эҳтимоли ҳақида бугунги кунда жуда кўп олимлар гапирмоқда. Улар иқлимни узоқ муддат кузатиш натижаларига асосланишган.

Ҳозиргача Ер юзида ҳар бири ўн минг йил муддат давом этган 15 та музлик даври кечганлиги қайд этилган.

Пулково расадхонасида Қуёшни кузатиш билан шуғулланадиган россиялик таниқли олим Ҳабибулла Абдусамадовнинг сўзларига қараганда, кейинги йилларда Қуёшнинг фаоллиги пасаётганлиги кузатилмоқда. Бу эса дунё океанининг ҳарорати пасайишига ва оқибатда сайёрамизда глобал совишга олиб келиши мумкин. Албатта, бу тахминларга қарши чиқаётганлар ҳам оз эмас. Улар Ерга глобал исиш хавф солмоқда, деган фикрдалар. Ҳозирча қайси томон ҳақлиги тўғрисида мухтасар баҳо беришга фан ожизлик қилмоқда.

Испания тараққиёт вазири Ана Пастор Панама президенти Рикардо Мартинелли билан Атлантика ҳамда Тинч океанини ўзаро боғловчи Панама канали кенгайтирилишини хавф остига қўйган муаммолар бўйича музокаралар ўтказди.

Панама канали кенгайтирилмоқда

Чунки яқинда канални кенгайтириш билан шуғулланаётган компаниялар ишни тўхтатиши мумкинлигини билдиришди. Бунга лойиҳа қиймати бирдан қарийб 1,5 миллиард доллар миқдорга ошириб юборилганлиги сабаб бўлди.

Испания, Италия, Бельгия ва Панама компанияларидан иборат консорциум раҳбарияти агар Панама канали маъмурияти лойиҳа қийматларини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этмаса, уч ҳафта мобайнида иш тўхтатилиши мумкинлиги тўғрисида баёнот берди. Бунга жавобан маъмурият раҳбари Хорхе Кихано компаниялардан шартномаларнинг жорий талабларини бажариши лозимлиги ҳақидаги масалани кун тартибига қўйди.

Испания вазири ўзаро музокараларда ҳакамлик вазифасини бажармоқда. Аввалроқ у канални кенгайтиришда иштирок этаётган компаниялар раҳбарлари билан учрашганди.

2015 йилда якунланиши мўлжалланган қайта қуришдан сўнг Панама канали аввалгига нисбатан икки баравар кўп кема ўтказиш қувватига эга бўлади.

Бу йил Хитойда бешта хусусий банк очилади. Янги молия муассасалари дастлабки пайтда мамлакатнинг банклар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлари назорати остида иш олиб боради.

Хитойда хусусий банклар

Хитой сўнгги пайтда ўзининг молия соҳаси янада очиқ бўлишига ва тармоқда рақобатни ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. Хусусий сармоялар мавжуд банклар фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, янгиларини ташкил этишга йўналтирилади. Хитой банклар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиясининг маълумотига кўра, янги хусусий банклар учун қатъий стандартлар жорий этилади. Лицензиялар бериш эса чеклаб қўйилади.

Британия кинематографиясининг энг яхши актёри деган номга сэр Шон Коннери сазовор бўлди.

Коннери – энг яхши актёр

У 007 рақамли махфий агент — Жеймс Бонд ролини ўйнаб, бутун дунёга машҳур бўлганди. Катта таъсирга эга «Q Score»» компанияси томонидан тузилган ва Буюк Британия оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган рейтинг натижаларида шу тўғрида маълум қилинган.

Айни дамда 84 ёшга тўлган Коннери ўтган давр мобайнида Бонд ҳақидаги еттита филмда суратга тушган. Кўп сонли мутахассисларнинг фикрига кўра, айнан Шон Жеймс Бонд ролини ўйнаган актёрлар орасида энг яхшиси ҳисобланади. Ўзининг ижодий фаолияти давомида Коннери жами 70 та филмда суратга тушган. 1988 йилда «Оскар» мукофотига сазовор бўлган.

Иккинчи ўринни эса Энтони Хопкинс эгаллади. Етмиш беш ёшли актёр 1991 йилда экранларга чиққан «Қўзичоқлар сукути» филмидаги Ганнибал Лектер ролини ўйнаб, бутун жаҳонга машҳур бўлди. Учинчи ўринга эса Лиам Нисон лойиқ кўрилди. У Стивен Спилбергнинг 1993 йилда суратга олинган «Шиндлер рўйхати» филмида ўйнаган бош роли билан мухлисларни ўзига ром этганди.

«Q Score» компанияси тузган рўйхатга кўра 78 ёшли Жуди Денч Британиянинг энг яхши актрисаси, деб тан олинган. У Шон Коннери каби Бонд ҳақидаги «Олтин кўз» филмида суратга тушганидан сўнг машҳур бўлиб кетган. Ўшанда Денч Жеймснинг раҳбари — М хоним ролини ўйнаганди. 1998 йилдаги «Ошиқ Шекспир» филмидаги қиролича Елизавета роли билан ўз мақомини яна бир бор тасдиқлади. Денчдан кейинги ўринларни эса Мэгги Смит ва Жейн Ливз эгалладилар.

Интернет нашрлари материаллари асосида
Нурбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади

Газетанинг навбатдаги сони 25 январ, шанба куни чиқади.

Реклама ва эълонлар

В соответствии с решением Общего собрания Учредителей Учреждения «Ассоциация художников, искусствоведов и народных мастеров Узбекистана (Протокол № 1 от «15» января 2014 года Общего собрания Учредителей Учреждения «Ассоциация художников, искусствоведов и народных мастеров Узбекистана»).

Учреждение «Ассоциация художников, искусствоведов и народных мастеров Узбекистана»,юридический адрес: г. Ташкент, Шайхантохурский район, ул. Заркайнар 1;ИНН: 207 030 973; зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан № 700 от 14 апреля 2009 года объявляет о добровольной ликвидации.

Требования кредиторов и возражения кредиторов против добровольной ликвидации принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления. Требования кредиторов отправлять Ликвидатору Ахмедовой Эльмире Рахимовне по адресу: г. Ташкент, Шайхантохурский район, ул. Заркайнар, 1, тел.: 239-27-74.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1996 йил 20 июнда Қаршиева Зоҳида Собиржонова номига берилган № 201794 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Қурбоналиев Жаҳонгир Маҳаммадали ўғли номига берилган К № 2240886 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Маданият

Янги сатирик комедия тақдимоти

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Танти қишлоқ ҳангомалари» сатирик комедиясининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Истеъдодли драматург, таниқли шоир Қўчқор Норқобил қаламига мансуб ушбу спектаклни режиссёр Маҳмуд Ғуломов саҳналаштирган.

Асарда ноқонуний «ишбилармонлар» хусусида ҳикоя қилинади. Уларнинг ҳалол меҳнат қилиш, томорқадан унумли фойдаланиш ўрнига бекорчиликни касб қилганликлари, бойлик орттириш мақсадида турли соҳаларда ўзларини синаб кўрганликлари истеҳзоли тарзда очиб берилади. Шу билан бирга, қишлоқ ҳаётида учраб турадиган турли ҳангомалар, қизиқарли воқеалар, реал ҳодисалар спектаклнинг янада бойиши учун хизмат қилади.

Эрта тонгдан сават тўқиш билан машғул бўлган Чори Учарнинг (Адҳам Акрамов) хонадонига жияни Эшдавлат (Акмал Мирзаев) жаҳл билан кириб келади. Рўзхол опанинг (Малоҳат Тоирова) гапларига ҳам эътибор бермай, келтирилган зиённи тўлашларини талаб қилади. Тоғасининг гапига кириб, балиқ етиштириш учун томорқасида ҳовуз қазигани ва ҳовлисини сув босиб кетганлигини айтади. Аммо, саватнинг тагига яшириниб, барча гапларни эшитиб турган полвон, бу ҳодисага ўзича баҳо бериб, устидан кулган ҳамқишлоқларидан ўч олишга қарор қилади. Бўриполвон (Адҳам Қирғизбоев), Шоди барака (Фозил Акбаров)ларни чув туширмоқчи бўлади. Бўриполвоннинг урушқоқ хўроз етиштириш учун олиб келинган қимматбаҳо тухумлари борлиги ва қаердалигини ўғлидан билиб олиб, уларни Нозим шоир (Диёр Саттиев) ёрдамида сотиб олишга эришади. Орзубойнинг (Паҳлавон Тошпўлатов) тадбиркорлик билан шуғулланмоқчилигидан хабар топиб, маслаҳат бериш асносида колбаса етиштирадиган ўсимликлар уруғини беради.

Меҳнат қилишга тоби йўқ хаёлпараст «тадбиркорлар»нинг адабини беради.

Асар сўнгида қаҳрамонлар бирга учрашиб, Чори Учар фермер хўжалиги ташкил этмоқчи эканлиги, Шоди бараканинг ноқонуний спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланиши нотўғрилигини билдиради. Барчалари бирлашиб, Эшдавлат канал ёнидаги ерлардан унумли фойдаланган ҳолда балиқ етиштириши, Бўриполвон паррандачилик билан шуғулланиши, қаровсиз қолган ерларни ўзлаштириб, боғлар барпо қилишлари хусусида келишиб оладилар.

Шу билан бирга, спектакл давомида ёшлар орасида оммавийлашиб бораётган шахсий уяли телефонларга беҳаё файлларни кўчириб олиш ҳолатлари, «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига салбий таъсири хусусида ҳам тўхталиб ўтилади.

Камола ПОЛВОНОВА,
«Туркистон-пресс»

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; **Buxoro** + 99893 653 50 81; **Sirdaryo** + 998 90 999 58 30; **Jizzax** + 998 94 418-67-49; **Navoiy** + 998 94 226-28-84; **Namangan** + 998 90 260-50-77; **Samarqand** + 998 93 352-50-87; **Qashqadaryo** +998 91 467-30-01; **Surxondaryo** + 998 95 502-68-99; **Farg'ona** + 998 90 583-49-79; **Qoraqalpog'iston Respublikasi** + 998 91 268-92-32; **Xorazm** + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: **N.Rafiqov**
Navbatchi: **N.Mahamov**
Musahhih: **S.Shodiyeva**

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. **Buyurtma Г — 118** **21477 nusxada bosildi** 12 45